



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 18-iyul, chorshanba

№ 30 (1092)

1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

ДАВР ШИДДАТИДАН БИР ҚАДАМ ИЛДАМ

Журналистларимиз аввал овоза этишга журъ-
ат қила олмаган муаммоларни дадил кўтариб
чиқмоқда. Кескин танқидга олдинлари
бўлганидек раддия билдирилмасдан, ак-
синча бу раҳбарият томонидан қўллаб-қув-
ватланмоқда.

2

Zarafshon

газетаси

МЕҲМОНИМИЗ

4

Умрбоқий меросимизга ЗИЁН ЕТМАСИН

Мамлакатимизда таъмирлаш ишини янада
такомиллаштириш ва замон талаблари даражасида йўлга
қўйиш учун, аввало, мутахассислар билан ҳамжиҳатликда
профессионал реставрацияни амалга
оширишнинг давлат дастурини ҳамда шаҳарлар
тарихий қисмини тиклаш ва муҳофаза этишнинг
изчил концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

7

ҲАВАСГА ЛОЙИҚ ХОВОС

Яқинда сирдарёлик ёшлар билан
учрашиш, жойларда амалга ошири-
лаётган маданият ва спорт соҳаси-
даги ишлар билан танишиш мақса-
дида сафарда бўлдик. Ҳа, юртимиз-
да Ҳаракатлар стратегиясига бино-
ан ҳамма соҳаларда катта ўзгариш-
лар, юксалишлар содир бўлаётир.
Биз ўзимиз рўй бераётган бунёд-
корлик ичида бўлганимиз сабаб
гоҳо жараён шиддатини ҳис қилол-
май ҳам қоламиз.

Сирдарё вилоятида қад ростлаган янги иншо-
отлар, Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулай-
мон музейи билан танишарканмиз, вилоят
хокими Ғофуржон Мирзаев мазкур маскан-
ни янада бойитиш учун кўрилатган чоралар, мада-
ний обидаларни асраб-авайлаш зарурати ҳақида га-
пириб, "Кўхна Ховос: мозийдан садо" ҳамда "Кўхна
Ховос археологик ёдгорлиги" рисоаларини қўли-
мизга тутказди. Шу кунгача қилинган кўп ва ҳўб
хайрли ишларга хайрихоҳ бўлиб, қўнғилимиз ёруғ
тортиб, рисоаларни варақлаганча устоз Тўра Су-
лаймон мангу кўним топган манзилга — Сайхун-
ободга йўл олдик. Марҳумларнинг, айниқса, улғу
аждодаларнинг сўнгги манзил-мароҳили обод, руҳ-
лари шод бўлгандагина мамлакат равақ топиши,
фалакдан юртга қут ва барака ёрилиши қадим ўзбе-
кона ақидадир. Вилоятда қабристон-хилхоналарни
обод этишга катта маблағ ажратилиб, бутун-ерта
яна савоб амалларни авж олдириш режаси бор экан.


"Тўғ билан қопланмиш кўхна қабр бошлари,
Майсадаги шўрринглар — қимларнинг кўзёшлари?
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,
Ҳар баҳор эслар уни қавми қариндошлари,
Баҳор, кетма менинг боғимдан!"

3-
бет

Ёшлар — келажакимиз

Андижон
вилоятида
«Ёшлар —
келажакимиз» дав-
лат дасту-
рини амал-
га ошириш-
га кири-
шилди.

Президенти-
мизнинг жор-
ий йил 27
июндаги
"Yoshlar —
kelajagimiz"
Давлат дасту-
ри тўғриси-
да"ги фармо-
ни ижросини
таъминлаш
мақсадида
махсус ишчи
гурuhlар 878
та маҳалла
фуқаролар
йигинида
уйма-уй юриб,
ёшларнинг
тадбиркорлик
борасидаги
қизиқиш ва
имкониятлари-
ни ўрганади.
Бунда айниқ-
са, ишсиз ва
чет элга чиқиб
кетганларга
алоҳида эъти-
бор қаратила-
ди. Шу тариқа
ййигилган
маълумотлар-
нинг ягона
базаси
яратилади.



ЗУМУРЗОҚОВ У.А. (фото)

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда

ЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Мамлакатимизда ахборот ва сўз
эркинлигини таъминлаш учун про-
фессионал журналистикага жиддий
эътибор қаратилмоқда. Чунки инсон
ҳуқуқларини таъминлаш, унинг кам-
ситилишига йўл қўймаслик, ғоя ва
қарашларини эркин ифодалаш билан
чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатасида ўзгартиш ва қўшим-
чалар киритилган "Журналистлик фаолиятни
ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ҳам моҳия-
тан инсон омили, унинг умумэтироф этилган
ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлашнинг на-
зарда тутати. Унда «журналист» тушунчасига янги
таъриф берилиб, улар фаолиятини амалга ошириш
мақсадида ахборотни излаш, сўраш, олиш, таҳрир
қилиш ва тайёрлашда қўшимча ҳуқуқлар кафолатлан-
ди, «журналистнинг профессионал одоб қоидалари
институтини» тушунчаси киритилди. Шунингдек, акк-
редитацияланганликдаги ҳуқуқлар тартибини белги-
лаш таклиф этилиб, журналистни оммавий ахборот
воситаларида ахборотни тарқатишда жавобгарликдан
озод этишнинг аниқ механизм ва мезонлари белгилан-
ди.

Қонуннинг олдинги таҳририда фуқаролар ёки бош-
қа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда
маълум қилинган махфий хабар, шунингдек, факт
ёки воқеалар журналистика соҳасининг сирини ҳисоб-
ланса-да, унда манбанинг номини ошкор этмаслик шар-
ти қўзда тутилмаган эди. Эндilikда ахборот манба
номини ошкор этмаслик шартини билан тақдим этган
хабар ва фактлар журналистика соҳасининг сирини
ҳисобланиб, бунини ошкор этмаслик журналист мажбу-
рияти сифатида белгиланди.

Қонунга мазкур банднинг киритилиши бир томон-
дан журналист фаолиятининг кафолатларини кучай-
тирса, бошқа тарафдан ахборот манбасининг дахлсиз-
лигини таъминлаш ва ушбу соҳага бўлган ишонччи
мустаҳкамлашнинг муҳим шартини бўлиб хизмат қила-
ди.

Бугунги кунда айрим ҳолларда нотўғри ахборот
тарқатиш, суднинг қарорини қонуний қўлға кирмасдан
туриб, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш, айби
судда исботланмаган шахсни жиноятчига чиқариб
қўйиш ҳолатларининг кузатилаётгани демократик
ҳуқуқий жамиятда йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса.
Шу сабаб миллий журналистика соҳасида этика ин-
ститутининг жорий этилиши инсон шайни, кадр-қимма-
ти, дахлсизлигини таъминлаш ва одоб-ахлоқ меъёрла-
рини тартибга солишда янги қадам бўлди.

Таъкидлаш керак, қонунни ишлаб чиқишда журна-
листларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқ
меъёрлари ва етакчи хорижий мамлакатларнинг қонун-
чилигини аҳолига ўрганилди. Чунинчи, Германия,
Буюк Британия, Австрия, АКШ, Россия, Латвия,
Украина, Беларусь, Қозғистон, Озарбайжон каби
давлатларнинг бу борадаги ҳуқуқий асослари, Инсон
ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, "Фуқаролик ва
сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт, "Жур-
налистнинг профессионал одобини халқаро тамойилла-
ри", Россия журналистнинг профессионал одобини ко-
дексидан фойдаланилди.

Бир сўз билан айтганда, "Журналистлик фаолият-
ни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга киритилган
ўзгариш ва қўшимчалар Бош қонунимизнинг 27-мод-
дасида мустаҳкамлаб қўйилганидек "Ҳар қим ўз шаъ-
ни ва обрўсига қилинган таъвоулардан, шахсий
ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи
дахлсизлиги ҳуқуқига эга" экани, Инсон ҳуқуқлари
умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида белгилан-
ганидек, инсон кадр-қиммати унинг ҳуқуқи билан бир
қаторга қўйилишининг кафолатидир.

Расул КУШЕРБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси депутати.
ЎЗА

Дикқат, танлов!

«Ҳаракатлар стратегияси: ТАРАҚҚИЁТ ВА ДЕМОКРАТИЯ ПОЙДЕВОРИ»



Мамлакатимиздаги барча ўткир қалам соҳибларини, тийрак нигоҳли
фотожодкорларни қизиқарли ижодий танловга таклиф этамиз.

"Hurriyat" газетаси таҳририяти
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-но-
тизорат ташкилотларини ва фу-
қаролик жамиятининг бошқа ин-
ституларини қўллаб-қувватлаш жа-
моат фонди ҳамда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлиги би-
лан ҳамкорликда мазкур Фонд то-
монидан давлат субсидияси ажра-
тилган "Ҳаракатлар стратегияси —
юксалиш стратегияси" ижтимоий
бўртма лойиҳаси асосида
"Hurriyat" газетаси муаллифлари
ўртасида "Ҳаракатлар стратегия-
си: тараққиёт ва демократия пой-
девори" мавзuida энг яхши ма-
териаллар танловини эълон қила-
ди.

Танловдан мақсад — Ўзбеки-
стон Республикаси Президентининг
2017 йил 7 февралдаги фармони
билан тасдиқланган "2017-2021
йилларда Ўзбекистон Республика-
сини ривожлантиришнинг бешта
устувор йўналиши бўйича Ҳара-
катлар стратегияси" ва унинг асо-
сида қабул қилинган давлат дас-

турининг мақсад ва вазифалари-
ни оммага кенг тушунтириш. Бун-
да Ҳаракатлар стратегиясида бел-
гиланган вазифалар, жумладан,
давлат ва жамият қурилиши ти-
зимини такомиллаштириш, қонун
устуворлигини таъминлаш ва суд-
ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ
қилиш, иқтисодиётни ривожлан-
тириш ва фаол тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш, ижтимоий со-
ҳани юксалтириш, мамлакатимиз
давлат мустақиллиги ва суверени-
тетини мустаҳкамлаш, минтақамиз-

да ҳавфсизлик, барқарорлик ва
аҳил қўшничилик муҳитини ву-
жудга келтириш, диний бағ-
рикенглик ва миллатлараро тотув-
ликни янада кучайтириш бораси-
да амалга оширилаётган изчил ис-
лохотларнинг тўб моҳияти ва бе-
раётган юксак самараларининг мо-
ҳиятини очишга алоҳида эътибор
қаратилади.

Танловда барча ижодкорлар
ўзларининг "Hurriyat" газетасида
чоғ этилган "Ҳаракатлар страте-
гияси: тараққиёт ва демократия
пойдевори" мавзuida публичес-
тик асарлари билан иштирок
этишлари мумкин.

Танлов ғолибларини қуйидаги мукофотлар кутмоқда:

1. Битта биринчи ўрин учун — компьютер жамланмаси;
2. Битта иккинчи ўрин учун — ноутбук;
3. Битта учинчи ўрин учун — планшет.

Булардан ташқари рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам назарда тутилган.
Танлов 2019 йил 27 июнь — Ўзбекистон Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари ходимлари куни арафасида якунланади.

"Hurriyat"да чоғ этмоқчи бўлган ижодий ишларингизни «Ҳаракат-
лар стратегияси: тараққиёт ва демократия пойдевори» танловига деган
изоҳ билан юборишни унутманг. Сўнгги муддат — 2019 йил 10 июнь.

Манзил: 100 011. Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 244-32-80.
Электрон манзил: gazhurriyat@mail.ru

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ЧИЛИМКАШЛАР
ДАВРАСИДАН
РЕПОРТАЖ

ЗАМОН.
ТАЛАБ.
ТАКЛИФ

КЕТМОНИ
УЧГАНЛАР

ДАМ
ОЛИШ
ТАТИМАДИ

Давр шиддатидан Бир қадам илдам

Муносабат

Кейинги икки йилда Ўзбекистонда кўпдан қўрилган кенг қўламли туб ислохотларга дадил киришганлиги жаҳон диққат-эътибори марказидан ўрин олди десак, муболаға бўлмас. Давлат раҳбарлари, жуда номдор сиёсатчилар ва таниқли олимлар, ҳамкасб журналистларимиз томонидан билдирилаётган кўпдан-кўп ижобий фикрлар, эълон қилинаётган таҳлилий мақола-лар бунинг далолатидир.

Жумладан, яқинда “Озодлик” радиосининг вице-президенти Нинад Пежич мамлакатимизга ташрифи пайтида “Ўзбек матбуотида ижобий маънода портлаш содир бўлди” деб баралла айтди. Чет элларда миллий оммавий ахборот воситаларимизда рўй бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатишга ташаббус қўйди. Журналистларимиз аввал овоза этишга журъат қила олмаган муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқда. Кескин танқидга олдинлари бўлганидек раддия билдирилмасдан, аксинча бу раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Бунинг исботи сифатида жасур журналистнинг маъмурлар томонидан ободончи

ситалари ҳам ҳокимиятнинг тақсимланишида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш вазифасини муваффақиятли бажаради. Журналистларнинг, айниқса жамиятда жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги роли бекиёсдир.

Давлатимиз раҳбари мамлакатдаги янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказишда, одамларни янги марралар сари сафарбар этишда ҳамкасбларимизнинг таъсирчан сўзи, фаол фуқаролик нуқтаназарига юқори баҳо берад экан, сиз билан бизни ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига содиқ қолишга, камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқишга, уларни бартараф этишда маънавий жасорат кўрсатишга даъват этди.

Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислохотларимиз талаби.

лик ишларига жалб этилган ўқитувчининг фожияли ҳалок бўлганлигининг ошкор этилиши жамиятимизда қандай аксадо берганлиги, жўшқин муҳокама қилинганлиги, ушбу фожиа сабаб ҳукуматнинг мажбурий меҳнатни қатъиян тақиқлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилганлигини келтириш мумкин.

Бир журналистнинг маъмурлар бедоқлигига, адолатсизликка тоқатсизлиги натижасида минг-минглаб бюджет ташкилотлари ходимлари ўзларининг бевосита хизмат вазифаларини бажариш ўрнига неча йиллар давомида ноқонуний равишда муттасил равишда бошқа ишларга жалб қилинганлиги баласидан ҳалос бўлди. Жамиятда оммавий ахборот воситаларининг бу улар ходимларининг обрўси кўтарилди.

Кунда кеча мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунининг янги ҳақиқатини кўришганлиги ҳам янгилик бўлди. Соҳамизнинг муносиб вакиллари бевосита ўз касб байрамлари кунинда юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг байрам табриғида “Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислохотларимиз талаби” деб уқтирилгани ҳозир ҳар бир касбдошимизнинг онги ва ўйидан жой олди.

Демократик ҳуқуқий давлатда қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари қатори оммавий ахборот во-

жаҳондаги нуфузли босма нашрлари, телевидение ва радио каналларида, интернетда ўз фикри ва сўзига эга ана шундай публицистлар борлигини яхши билади, уларнинг ҳар бир янги мақоласи, кўрсатув, эшиттириши, блогини интиқлик билан кутишади. Кўпчи уларнинг бу чиқишлари жамиятда қизғин баҳсга сабаб бўлади, ўртага ташланган ижтимоий муҳим муаммо атрофича муҳокама қилиниб, уни ҳал этишнинг оқилона йўли топилади. Ўйлашимизча, бугунги ўзбек матбуоти учун ҳудди шундай иқтидорли журналистлар зарур.

Бизда ҳозирча ҳаётий масалалар асосан давлат раҳбарияти томонидан кўтарилиб, шундан кейингина барча оммавий ахборот воситалари уларни муҳокама қилишни бошлади. Яъни “тўртинчи ҳокимият” ўзи ташаббус кўрсатиб, жамиятда ҳал этилиши талаб этилаётган муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратишда кўзда тутилган мавқеини тўла оқлай олмапти.

Масалан, ҳозирги вақтда “рақамли иқтисодиёт”га асосланган ҳолда “ақли шаҳар”, “ақли кишлоқ”, “ақли уй”, “ақли тиббиёт” концепциялари илгари сурилмоқда. Ўзбекистонни тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишига имконият яратадиган, ҳаётимизни тубдан ўзгартирадиган ушбу ғоялар нега ҳозирча оммавий ахборот воситаларимизнинг бош мавзусига айланимаган? Ахир, “рақамли иқтисодиёт”га ўтишимиз учун бутун таълим тизимини тубдан ўзгартириш, жамиятда ёппасига компьютер саводхонлигига эришишимиз талаб этилмайди.

Бугунги кунда кишлоқ хўжалигимизда ҳам, ҳеч муболағасиз, инқилобий – кластер тизимини шакллантириш тажрибаси бошланган. Айниқса, пахтачиликда кластер ерга чигит қадашдан тортиб, йиғиштириб олинган ҳосилдан юқори қўшимча қийматга эга тайёр, жаҳон бозорига рақобатбардор маҳсулот тайёрлашгача бўлган барча агро-техника ва ишлаб чиқариш жараёнлари тизимини яратди. Натижада кластер бу соҳада мажбурий меҳнатга тўла барҳам берибгина қолмасдан, пахтакорни ҳам, ишчи-хизматчилар ва мутахассисларни ҳам пировард натижадан моддий манфаатдорликларини таъминлашга – яъни ўзлари фаровон ҳаёт кечириши учун сидқидилдан ҳалол ва унумли меҳнат қилишларини рағбатлантиришга хизмат қилади. Ушбу тизимнинг моҳияти, афзалликларини дала меҳнатқашларига ҳам, қорхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, мутахассисларига етказиш учун бир-иккита мақола ёки кўрсатув ва эшиттириш кифоя қилмаслиги ўзидан равшан.

Президентимиз Ёшлар кўни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига йўлланган байрам табриғида “Юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўнги-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замоний, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навиқрон авлодимизнинг муносиб иштироки эътиборини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз”, дея таъкидлади.

“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этилиши билимли, иқтидорли, салоҳиятли ёшлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Бунга Давлат дастури республикамизда намунавий тарзда биринчилардан бўлиб амалга оширишга киришган Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида амалга оширилаётган ишлар мисол бўлиши мумкин.

– Қўйи Чирчиқ туманида шу йил 30 июндан дастури амалга ошириш ишлари бошланди, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи

Ёшлар — келажакимиз

Бугун қай бир юртдошимиз билан суҳбатлашсанг, кексаю ёшнинг қалби шукроналик ҳисларига тўла. Чунки эндигина дунё юзини кўрган чақалоқдан то кексалик гаштини сураётган отахону онахонларгача давлатимиз эътиборида.

Мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёшлар ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнда эълон қилинган “Yoshlar – kelajagimiz”

Давлат дастури тўғрисида”ги фармони ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Мазкур фармон 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясининг вазифаларига мувофиқ, ёшларнинг бизнес ташаббуслари дастлаб, ғоялари ва лойиҳаларини рўйбога чиқаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори мутахассисликлар ва бизнес юритиш қўнқмаларига ўқитиш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган.

Президентимиз Ёшлар кўни муносабати билан Ўзбекистон ёшларига йўлланган байрам табриғида “Юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўнги-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замоний, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навиқрон авлодимизнинг муносиб иштироки эътиборини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз”, дея таъкидлади.

“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури ҳаётга татбиқ этилиши билимли, иқтидорли, салоҳиятли ёшлар учун янада кенг имкониятлар эшигини очиб беради. Бунга Давлат дастури республикамизда намунавий тарзда биринчилардан бўлиб амалга оширишга киришган Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида амалга оширилаётган ишлар мисол бўлиши мумкин.

– Қўйи Чирчиқ туманида шу йил 30 июндан дастури амалга ошириш ишлари бошланди, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи

марказий кенгаши бўлими мудири Акмалжон Алимов. – Ўнги ишчи гуруҳи ташкил этилиши ва туман ҳудудидаги Ибрат, Машраб, Ўстлик, Абай, Бирлик, Ўйлик, Болаботир, Ватан, Сурун, Сергели маҳаллаларида ёшлар билан суҳбат ўтказилиб, уларнинг 3 минг 625 нафари ишсизлиги, шундан 98 нафари меҳнатга лаёқатсизлиги, 113 нафари уй-жойга муҳтожлиги, 689 нафари ишлаш учун узок муддатга четга чиқиб кетгани, 1 минг 604 нафарининг ишлаш, 706 нафарининг таълим олиш ва 203 нафарининг ҳарбий хизматини ўташ истаги мавжудлиги аниқланди.

Давлат дастури амалга ошириш бўйича туманда ташкил этилган ишчи гуруҳларнинг ёшлар ҳаётини ўрганишлари натижасида 30 нафар ёшга тадбиркорлик фаоллигини йўлга қўйиш учун 349,1 миллион сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, ўтказилган тадбирлар давомида 40 нафар йигит-қиз қорхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. 30 нафарига томоққанд самарали фойдаланишга қўмаклашди, 18 нафар имконияти чекланган ёшларга аравачалар топирилди, 98 нафарига республика тиббий муассасаларига йўлланмалар берилди.

Кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдончаларини ташкил этиш учун “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини барпо қилиш ишлари киришилди. Масалан, “Тўқбой” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилаётган “Yoshlar mehnat guzari” комплекси учун 0,24 гектар ер майдони ажратилган. Режага кўра у август ойида ишга тушади.

– Президентимиз ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатяпти, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдумажид Ахмедов. – Қувонарлиси, ёшларимиз ана шу эътибор ва ғамхўрликка ўзларининг орзу-интилошлари билан муносиб жавоб беришга интиляпти. Бугунги кунда маҳалламизда ўнлаб кўзга

кўринган тадбиркор ёшлар кўпчилигини ҳавасини келтирадиган даражада ютуқларга эришяпти. Масалан, Бахтиёр Жабборов тикуччилик цехини очиб, 20 нафарга яқин хотин-қизни иш билан таъминлади. Юра Аминов балиқчилик хўжалигида самарали фаолият кўрсатяпти. Емен Менгулов 80 гектар ер майдонига кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиряпти.

Ҳақиқатан ҳам Тўқбойда ўз меҳнат натижалари билан кўпнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлаётган ёшлар кўп. Шулардан бири – Ғанишер Жиянхўжаев. У кўрғон ёшлари учун “Yoshlar mehnat guzari” мажмуасини 2 ойда қуриб фойдаланишга топширишга ўз зиммасига олди.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида ҳам мазкур дастури ижроси учун 27 идора ва жамоат ташкилотларидан 300 нафарга яқин ходим жалб қилиниб, 14 ишчи гуруҳ ташкил қилинди. Уйма-уй юрилиб, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаоллигини йўлга қўйиш, кредит, зарурат бўлса, бино ажратиш, соғломлаштириш мавзуларида 50 минг 722 нафар йигит-қиз билан суҳбатлар ўтказилди.

Тадбиркорликка мойил ёшларга бизнес лойиҳа тайёрлаш уларни, бино билан таъминлаш, кредит ажратиш каби ишларда амалий ёрдам кўрсатилди. Умуман олганда, 110 нафардан ортиқ йигит-қиз тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди, 12 нафар ёшга 976,9 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Уйларда тикуччилик қилаётган икки дугона Камола Жўраева ва Доно Солиева ҳам Давлат дастури қамқ қилган тадбиркорлардан. Ишчи гуруҳи уларнинг иши, қобилиятини кўриб, замоний тикув дастхоналари сотиб олиш учун 17 миллион сўм кредит ҳамда педагогика касб-хуна қоллежи биносидан кенг, ёрув, шинам хона ажрати берилишини таъминлади. Хонага замоний тикув машиналари ўрнатилди.

– Муаммоларимиз бунчалик тез ҳал бўлади деб ўйламагандик, – дейди Камола Жўраева. – 4-5 кун ичида орауларимиз амалга ошди. Болажонлар учун қўйлақлар, спорт формалари тикниш ишларини бошлаб юбордик.

– Мен Сурхондарёдан оёғимга протез қўйиш учун Тошкентга келган эдим, – дейди Наргиза. – Тошкент шаҳар миллий паралимпия ассосиацияси бош мураббийи Рашид Сафариев мени туман ёшлар иттифоқи ҳузурида ташкил этилган спорт тўғрагига таклиф

қилди. Бу ерга келиб Камола ва Донохонни учратдим. Ҳозир учаламиз тикуччилик қилиб, бўш пайтларимизда спорт билан шуғулланаямиз. Тўшқунликка тушиб юрган пайтларим ортда қолди. Мен келажакда энди моҳир тикувчи ҳам бўлмоқчиман.

Чилонзор туманида Давлат дастури доирасида бажарилган ишлар ҳақида сўз кетганда алоҳида эътиборга муҳтож ёшларга кўрсатилган ёрдам ҳусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Ана шундай йигит-қизларнинг 15 нафарига 8,9 миллион сўм моддий ёрдам, 25 нафар ёшга ногиронлар аравачаси берилди. 127 нафарига соғлигини тиклаш борасида амалий ёрдам кўрсатилди.

Туман марказида “Group Zero Chilanar” коворкиннинг ташкил этилиши Давлат дастури доирасида бажарилган энг муҳим ишлардан биридир.

– Бу Тошкентдаги ягона коворкинг марказидир, – дейди марказ раҳбари Абдуқасим Қўқоров. – Ўз бизнесини бошлашни истаган ёшлар семинар ва мастер-класслар орқали малака ошириш, бизнес-адабиётлар билан танишиб, инкубацион ва махсус дастурларда иштирок этиш, етакчи тадбиркорлардан маслаҳатлар олиш имкониятига эга бўлади. Марказимиз ёш тадбиркорлар талабига тўлиқ мос келади.

Республикамизнинг вилояти ва туманларидан ёшлар сиёсати бўйича ҳоким ўринбосарлари, ёшлар иттифоқи ташкилотининг раҳбарлари Қўйи Чирчиқ ва Чилонзор туманларида бўлиб “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар билан танишди.

– Таассуротларим катта, – дейди Қашқадарё вилояти Ғузур тумани ёшлар иттифоқи кенгазининг раиси Фарход Бозоров. – Бизнес туманида ҳам тадбиркорликка иштирокда ёшлар кўп. Агар Ғузурда ҳам “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури ижросини шундай ташкил қила олсак, ёшларимизга жуда катта имкониятлар эшигини очишга эришамиз. Тадбиркор ёшларимиз сафи сезиларли даражада кенгайди ва ўз муваффақиятлари билан барчани хурсанд қилади.

Дарҳақиқат, “Yoshlar – kelajagimiz” дегани оддий гап эмас. Унинг замирида орзу, умид ва ишонч муҳим. Ёшларимизнинг ана шу ишонччи оқлайди. Уларнинг бугунги ғайрат-шижоати, билим ва заковати, иқтидор ва салоҳияти шундан далolat бериб турибди. **Ўқтам АБДУЛЛАЕВ, “Hurriyat” муҳбири**



Ишонччи оқлаш фурсати

ҲАВАСГА ЛОЙИҚ ХОВОС

Болалиги
1-бемда

Юртимиздаги катта-ю кичикка ёд бўлиб кетган ушбу сатрлар шоирнинг қабр тошига ҳам ўчмас қилиб битилган. Устознинг руҳи покларига тиловат бағишлаб, қабристонни ободонлаштиришга саъй-ҳаракатлар бошлаган барча саркор мутасаддиларни алқаб ўтдик.

Айримларнинг тасаввуринда Сирдарё яёқ чўлда қад ростлаган вилоят. Лекин астойдил зиёрат қилмоқчи бўлганлар бу табаррук замида не-не улуг зотларнинг қадамжолари борлигини яхши билади. Айниқса, Ховосдаги Карвонсарой маҳалласида қайта оҳор топган "Хаста бузургон" зиёратгоҳи нафақат юртимиз, балки кўшни давлатлардан келатган зиёратчилар билан гавжумлашиб бораётганидан беҳад қувондик. "Хаста бузургон" зиёратгоҳи Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг саҳобаларидан бири саналган Бобо Жо-бир номи билан боғлиқ экан. У кишининг етти укаларидан бири Жиззахдаги Хўжамушкент кишлоғида дафн этилгани ва "Хўжамушкент ота" зиёратгоҳи муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан кўп йиллар аввал қайта қурилиб, жуда кўркам масканга айлантирилганидан хабар топдик. Хар қадамда улуг зотлар ётган заминда яшаётганимиздан ифтихоримиз орди.

Кўз ўнгимизда нафақат



Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари қўмитаси раиси.

Сирдарё вилоятининг, балки бутун Мирзачўлнинг энг қадимий ва йирик археологик ёдгорлиги сифатида таърифланган кўхна Ховос шаҳри хароблари. Рисолаларда қайд этилишича, қадимги Уструшона ўлкаси таркибига кирган бу манзилгоҳнинг умумий майдони ўн икки гектардан иборат. Ёдгорликнинг арк ва шахристон қисми деярли тўлиқ сақланиб қолган,

работ қисми эса ерни ўзлаштириш жараёнида бутунлай бузилиб кетган. Арк ёдгорлигининг шимоли-ғарбидо жойлашган, унинг майдони бир гектардан ошди, баландлиги йигирма метрга яқин.

2003 йилда олиб борилган тадқиқотлар натижа-сида бу ерда милоддан ав-валги III асрнинг бирин-чи ярмига оид илк элли-н даври девори қолдиқлари очилган экан. Айни шу

жойдан Искандар Мақдуний аскарларига тегишли, дея тахмин қилинган осор-атикалар ҳам топилган. Ховос қалъаси не-не и-тилолардан, неча-неча босқинлар оловларидан омон чиққан самандар кўрган.

Кейинроқ олиб борилган тадқиқотлар давоми-да милоддан аввалги IV-III асрларга оид девор-лар ва сопол буюмлар то-пилган, Ховоснинг ёши 2500 йилларга тобниллиги аниқланган. Ўша даврлар-даёқ гуллаб-яшнаган кент милоддан аввалги II аср-да шаклланган Буюк Ипак йўлининг асосий манзил-ларидан бири бўлганлиги табиий.

Ўрта асрлар ёзма ман-баларида келтирилишича, Самарқанддан шарққа йўналган Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи Куркат орқали Хўжанд ва Фарғонага, сўнгра Хитой-га, иккинчиси Сирдарё кечувидан кейин шимо-лга, Шохрухия шаҳрига ва ундан ўтиб Чоч пойтахти Бинкатга борган. Ховос мана шу йўналиш мар-казида бўлган.

IX асрда яшаб ўтган Ибн Хурдодбек ўзининг машҳур "Йўллар ва мам-лакатлар китоби" асарида Ховосдан кўшни ҳудудлар-га ва улардан Ховосга-ча бўлган масофалар ҳақида тўхталиб ўтади. Қадимги Ховос ҳақидаги қимматли маълумотлар Х аср муаррихлари Кудом, Ибн Руста ал-Истахрий, Ибн Хавқал асарларида ҳам учрайди.

Низомиддин Шомий-нинг машҳур "Зафарно-ма"сида қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темур ва Амир Хусайн ўртаси-даги кўплаб тўқнашувлар-дан бири 1367-1368 йил-ларда айнан Ховосда кеч-ган. Мазкур муҳорабада Соҳибқирон кўшини сон жиҳатдан анча устун бўлган душман кўшини-ни тор-мор этди.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида Умаршайх Мир-зо тавсифи келтирилган саҳифаларда шундай ма-ълумотга дуч келамиз. "Яна бир Султон Аҳмад мирзо била Шохрухия ва Ўратепа орасида Хавос деган кентга урушиб ма-ллуб бўлди".

Тарихда Ховос тегра-сида жуда кўп жанги жа-даллар кечгани, бу ерда ҳукмронлик қилишга ин-тилан саркардалар кўп бўлгани унинг роът му-ҳим тарихий стратегик аҳамиятга эга эканидан далолатдир.

Археологик ёдгорлик харобаларини кўздан ке-чираганимиз, тасаввурла-римизни "Кўхна Ховос" рисоласидаги маълумот-лар тўлдириб боради:

Тошмалар орасида милоддан аввалги VI-IV асрларга оид Эйлатон маданиятига мансуб ан-гоб билан безак берил-ган идишлар ҳам бўлиб, улар кўхна Ховос ҳамда Фарғона ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйил-ганини тасдиқлайди. Бу-ндан ташқари, Чоч ва Сўғд билан ҳамкорлик-

ни далиловчи бир қатор ноёб топилдиқлар ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, илмий экспедициялар давомида махсус симоб қўзача, ба-ландлиги камида бир метрлик озиқ-овқат сақ-лаш учун мўлжалланган ҳумлар топилган. Милод-дан аввалги III-II асрлар-га оид Анахита хайкалча-си, XII асрга тегишли Хумо қуши тасвири ту-ширилган чирок дастаси-нинг қўлга киритилиши алоҳида диққатга сазовор.

Хосилдорлик рамзи Анахита ва эзгулик тим-соли Хумо акс этган буюмларнинг кент тарқал-гани азалдан аждоқларимиз бунёдкорлик гоёлари би-лан яшаганлигини тақрор тасдиқлайди.

— Қадим Ховосда иш-лаб чиқарилган сопол ва темир буюмлар сифат жи-ҳатдан Бактрия, Фарғона ва Сўғдада тайёрланган ҳунармандчилик махсулот-ларидан қолишмайди, бу ерда меъморчилик санъа-ти ўзига хос услубда ри-вожланган, — дейди Хо-вос тумани ҳокими Раҳим-жон ака Бобоев жўшиб.

Диққат-этибор билан тинглаётганимизни кўриб фикрларини давом этти-ради. — Сизот сувлар яқинлиги туфайли ёдгор-ликнинг энг қуйи, қадим-ий қатламлариға етиб бориш имкони бўлмади. Шунинг учун экспеди-циялар ҳам тўхтаб туриб-ди. Ён-атрофдаги зовур-ларни тозаласак, зах қочиб, тадқиқотлар яна давом этади...

Археологларнинг таъ-кидлашича, Ховос манзил-гоҳи стратиграфик жиҳат-дан кўхна Уструшона учун эталон ёдгорлик ҳисобланади, чунки ҳудуддаги бошқа қадимий ёдгорликлардан фарқли ўлароқ, унинг маданий қатламларида даврий ўзи-лишлар кузатилмади. Олдий қилиб айтганда, бу ерда муттасил ҳаёт қай-наган, маданият равнақи-да узилиш бўлмаган.

Яқин-яқингача ҳам қирқка яқин хўжалик Хо-востепада истиқомат қил-ган экан. Ховос қалъа-си, унинг одамлари, уй-лари, кўчалари ва ховуз-чаларини акс эттирувчи расмлар номатўлум фото-граф томонидан суратга олинган. Тадқиқотчилар ушбу фотосуратлар чор Россиянинг машҳур фотогра-фи С.М.Прку-дин-Горскийға тегишли деган фикрда. Ҳозирда унинг 2500 фотосуратдан иборат коллекцияси АКШ Конгресси кутуб-хонасида сақланмоқда.

Бизга тақдим этилган ри-солалардаги фотосуратлар Россиянинг "Контрагент-ства А.С.Суворина и Ко" наشريёти томонидан 1915 йилда почта карточкала-ри шаклида чоп этилган экан. Улар айни пайтда Санкт-Петербургдаги Пре-

зидент кутубхонасида сақ-ланмоқда.

Ховос археологик ёдгорлигини қадамма-қадам кезиб, маълумот-ларни тинглаб, рисолалар-ни вараклаб, давлатимиз раҳбарининг туризм риво-жи йўлидаги ислохотлари қанчалар муҳимлигини янада теран англадик. Ахир узоқ-яқиндаги дав-латлар юз йил нари-бери-сидаги тарихини кўз-қўзлаб миллионлаб сайёҳ-ларни кутиб ётибди.

Тупроқ остидаги шон-ли тарихимизни юзага чи-қарсак, оламга кўрсатсак, туризм равнақи ортидан минглаб оилалар фаровон-лиги ортади. Мана шун-дай манзилгоҳларга инвес-торларни жалб қилсак, инфратузилма яратилса, минглаб янги ишчи ўрин-лари пайдо бўлса, энг че-ка ҳудудларимиз ҳам яна-да гуллаб яшнарди. Бош-ка улкан ёдгорликларни-ку қўя туриб, Ховосте-падан топилган биргина йигирма икки асрлик юнон сопол қадахларини кўриш Овropa ахлиға, ал-батта, қизик.

Тепаликни кезарканмиз, оёқ остимизда сочилиб ётган, қачонлардир аждоқларимиз-нинг муборак қўллари теккан сопол буюм парчалари "мен билан тиллаш, бағримдаги сирли битикларни ўқи, болам", деяётгандек. Ҳа, ҳар бир тарихий ашё олис боболардан бизларга йўлланган азиз мактублардир. (Ўза)

► Долзарб мавзу

Юртимиз ўзининг табиати, кимёвий минерал-ларга бойлиги, Менделеев жадвалидаги барча кимёвий унсурлар мавжудлиги билан ҳам маш-хур. Бундай имкониятдан олимларимиз, ишлаб чиқарувчилар қай тарзда фойдаланмоқда? Тош-кент кимё технология илмий-тадқиқот институ-ти фаолияти билан танишиш асносида юқори-даги саволимизга жавоб олдик.

Институт асосий эти-борни маҳаллий хо-машё негизда орга-ник ва полимер би-рикмалар, улардан олинидиган махсулотларни иш-лаб чиқаришга қаратиб, истиқ-болли полимер материалларни яратиш борасида тадқиқотлар олиб бормоқда. Кичик кимё асосини ташкил этадиган янги самарали ингибиторлар, анти-ринлар (ёнгинга бардошли қўшилма), барқарорлаштирув-чи бирикмалар ҳам мазкур ин-ститут махсули. Сунъий қау-чук, полуретанлар ва бошқа полимер материаллар, полимер учун бўёқлар, ювиш воситала-ри, целлюлоза, крахмал қўшил-малари бўйича ҳам бу ерда киз-нин изланишлар бораётди. Ин-ститут ишланмаларига қизиқиш билдириб, амалиётга татбиқ эта-ётганлар борми? Бу ҳақда ин-ститут директори, ЎзФА аъзо-си профессор Абдулахад Жа-лилов шундай дейди:

— Давлатимиз раҳбари та-шаббуси билан ишлаб чиқил-ган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ри-вожлантиришнинг бешта усту-вор йўналиши бўйича ҳаракат-лар стратегиясида илмий-тад-қиқот ва инновацион фаоли-ятни рабатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амали-ётга жорий этишнинг самара-ли механизмларини яратиш ҳу-сусида сўз юритилган. Шун-дан келиб чиқиб, Юртбоши-миз илм ахли билан учрашиб, уларнинг тақлиф-мулоҳазалари билан қизиқгани ҳамда Инно-вация вазирлигининг ташкил этилгани соҳада тўб бурилиш бўлди. Айни дамда мазкур ва-зирлик барча илмий-тадқиқот институтлари билан изчил иш олиб бормоқда. Колаверса, Президентимизнинг жорий йил 5 апрелдаги "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот му-

ассасалари ходимларининг ме-х-натига ҳақ тўлаш тизимини та-комиллаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида"ги қарори барча илм ахлининг кучига қуч, ғай-ратига-ғайрат қўшаётди.

Импорт ҳажмини қискарти-риш ва фан ютуқларини амали-ётга жорий этиш бошлангач қорхона ва ташкилотлардан му-рожаатлар кела бошлади. Бироқ илмий ишларни амали-ётда кенг қўллашга хайрхоҳ қишлар хали санокли.

А.Жалиловнинг айтишича, айни кунда институт олимлари сув танқислиги масаласини ҳал этиш бўйича ижобий натижа-ларга эришган. Уни фақат амали-ётга жорий этиш қолган, хо-лос. Маълумки, юртимизда 12 миллион гектар далами ер бор. Шу ерлардан унумли фойда-ланиш борасида институт қатор янгиликлар билан қилган. Эрта-лабки намлик, яъни шудринг-дан биринчи даражали суво-риш воситаси сифатида фой-даланиш ҳамда гидрогел би-рикмаси шулар сирасидандир.

Гидрогел турли кимёвий чи-қиндилардан тайёрланган мод-да бўлиб, ўта сувга бўкувчан-лиги билан ажралиб туради. Унинг бир грами 8,7 литр сувни ўзига сиғдириб, ойлар мобайнида ўсимликка намлик бериб туради. Қўшлоқ хўжа-лиги тизимида ундан кенг фой-даланилса, хосилдорлик 30 фо-изга ошиб, ер шўрланишининг олди олинади. Бундан ташка-ри, гидрогел солинганда пах-тани вегетация даврида тўрт марта эмас, икки марта суво-риш қифоя. Сўнги пайтда тад-бирқор фермерларда бу би-рикмага қизиқиш ортмоқда. Айни кунда уни вилоятларда ишлаб чиқариш бўйича лойи-халар қилинмоқда.

Гидрогелнинг нефть казиб олш саноатида ҳам самарали экани ўз исботини топди.

Кашфиёт ва амалиёт: ўзгаришлар палласи



Лабораторияда

Нефть камайиб қолган қудук-ларга гидрогел солинса, нефть-нинг миқдори икки баробар ошши кузатилади.

Институт олимлари томони-дан газ, совуқ ва иссиқ сувда фойдаланилаётган қувурларни эрозияга учрамаслиги учун антикоррозия қопламаси яра-тилди. Мазкур қоплама метал қувур устига суртилганда чи-дамлилиги 30-40 йилгача узая-ди. Ундан ишоотларни мус-тахкамлаш, бетон ишларида ҳам фойдаланиш мумкин. Айт-моқчи, дизел ёнилғиси — сол-яркани минус ўн даражада муз-ламаслиги учун ҳам бу ин-ститутда қўшимчалар яратилган. Агар ёнилғига 0,1 0,5 фоиз кимёвий қўшимча аралаштирил-са, 40 градус совуқда ҳам муз-ламайди. Худди шундай илк фикрларни газ вентиляторини ўрнатилганда ишлатилган мой-ловчи ёғлар, иссиққа ва ёнгин-га чидамли антипирин моддаси, универсал елим, бетошни мус-тахкамлайдиган суперпластика қўшимчалари ҳақида ҳам ай-тиш мумкин. Шу каби ишлан-

малари билан институт олимла-ри ўтган йили 42 патентга эга бўлишди. Айни кунда институт тадқиқотчилари иқтисодиёт учун муҳим органик полимер бирикмалар устида ишламоқда.

Афсуски, бутун юртимизда санокли қорхоналаргина бу йўналишда иш юритмоқда. Бу эса маҳаллий эхтиёжни қонди-ролмай, импорт ҳажмини оши-ришга сабаб бўлаётди. Яна бир долзарб масала — ишлаб чиқ-ариш ва илмий тадқиқотлар учун ўта муҳим бўлган реак-тивлардир. Улар ҳам асосан, хориждан келтирилади. Улар-ни ҳам ўзимизда ишлаб чиқ-ариш йўлга қўйилса, кимё са-ноати янада илдамлайди.

Институт етти йилдан буён тегишли ташкилотлар томони-дан молиялаштирилмагани боис биноси, лаборатория, тажриба хоналари таъмир талаб.

— Аслида илмий тадқиқот институтларида энг замонавий жиҳозлар бўлиши керак, — дейди академик. — Чунки ҳар бир ишчи таҳлил қилиш, ба-ҳолаш учун замонавий лабо-

ратория зарур. Афсуски, тад-қиқотчиларимиз ақсарият таж-рибаларни қўлда амалга оши-ради. Ҳолбуки, илғор давлат-ларда илмий ишларнинг етмиш фоизини техника бажаради. Бу борада тегишли чоралар кўри-ляпти, албатта. Хусусан, мам-лакатимиз жаҳоннинг илғор давлатлари билан қўплаб йўналишларда ҳамкорлик қила-ётгани фанимиз таракқиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди. Жўмладан, Жанубий Кореялик ҳамкасбларимиз би-лан тажриба алмашиш ва замо-навий жиҳозлар билан таъмин-лаш борасида музокаралар олиб бораёмиз. Келгусида бу ўз са-марасини беришига ишонаман.

Мамлакатимизда фан каш-фиётларини амалиётга татбиқ этиш ишлари бошланди. Соҳа-даги муаммолар аста-секин ўз ечимини топтомоқда. Шуларни инобатга олсак, келгусида ил-мда ҳам, амалиётда ҳам юксак натижаларга эришилишига ишончимиз қомил.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

► Статистика

Фаолияти замон талаблари асоси-да тобора тако-миллашиб бора-ётган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон мил-лий кутубхонаси томонидан қизи-қарли статистик маълумотлар эълон қилинди.



“Hurriyat” — ЭНГ КўП ўқиладиغان газеталар сафида

Миллий кутубхонамизнинг Адабиётларни бе-риш ва диспетчерлик хизмати адабиётлар бериш кафедраларида жорий йилнинг олти ойида фойдаланувчилар томонидан энг кўп мутолаа қилинган китоблар, газета ва журналлар аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Ки-тоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишида белги-ланган вазифалардан келиб чиқиб, фойдаланувчи-лар талабларини ўрганиш мақсадида берилган буюрт-малар таҳлил қилинди.

Аҳолининг вақтли матбуот нашрларига қизиқиши-нинг тобора ортиб бораётганини газеталарга берилаёт-ган буюртмалардан ҳам кўриш мумкин. Ўтган ярим йил мобайнида мамлакатимизнинг бош кутубхонаси хиз-матидан фойдаланувчилар томонидан жами

613045 нусха газета-журнал олиб ўқилган.

Шундан 392450 нусхаси — газеталар.

Энг кўп — 251168 марта сўралган беш номдаги газета умумий буюртмалар сонининг қарийб 64 фо-изини ташкил этди.

“Хуррият” мустақил газетаси мазкур бешлик-даги тўртинчи ўринни олди.

Биринчи ўринни — “Халқ сўзи” (Народное слово), иккинчи — “Ўзбекистон овози”, учинчи — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, бешинчи поғонани эса “Ишонч” газетаси эгаллади.

Журналларга жами 220595 буюртма берилган.

Жойлар эса қуйидагича тақсимланган:

“Жаҳон адабиёти”, “Шарқ қолдузи”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Муштур”, “Ўзбекистон матбуоти”.

Маълумот учун айтиш керакки, Ўзбекистонда ҳозир чоп этилаётган газеталарнинг сони етти юз-дан ошди.

Қодир ҚОДИРОВ



газетаси МЕҲМОНИМИЗ

Танишинг:

Газетанинг бош муҳаррири — «Меҳнат шухрати», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳиби, таниқли журналист ва адиб **Фармон ТОШЕВ**.

Газетанинг туғилган санаси: 1913 йил 15 апрель. Миллий матбуотимиз асосчиларидан Маҳмудхўжа Бехбудий ва Сандризо Ализода таъсис этган.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй.

Анъаналари: устозлар яратган ижодий мактабга муносиб бўлиш.

Шiori: Фидойилик — Ватанга хизмат демек!

Мақсади: газетамизда ҳар бир фуқаро фикрини айти олишга эришиш.

Вазифаси: жамиятдаги ўзгаришлар ва ислохотлар моҳиятини халққа етказиш, юрдошларимизнинг уларга муносабатини шакллантириш.

Тактикаси: адални оширишдан олдин муаллифларни кўпайтириш. Дарвоқе, ҳар ойда энг фаол жамоатчи муҳбир аниқланиб ва рағбатлантириб борилади.

Имкониятлари: 2018 йил февралдан газетамиз веб-сайти zarnews.uz мустақил электрон оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият бошлади. Шунингдек, **фейсбук** ижтимоий тармокида /www.facebook.com/zarnews.uz, **твиттер** тармокида /twitter.com/zarnews_uz ва **телеграм** мессенжерда @zarnews_uz номли ўз саҳифаларимиз ишлаб турибди.

Муваффақиятлари: тахририят ходимларидан 7 киши турли йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига, 5 киши давлатимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлган.

Газета муҳбири **Гулрух Мўминова** журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV халқаро миллий мукофоти учун танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти, **Акрам Хайдаров** «Йилнинг энг фаол журналисти» республика танлови совриндори, бош муҳаррир ўринбосари **Ғолиб Ҳасанов** «Йилнинг энг фаол журналисти» республика танлови ғолиби, **Анвар Мустафоқулов** «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» танлови ғолиби бўлган.

Тахририят 2013 йилда «Олтин қалам» VIII халқаро миллий мукофоти учун танловнинг босма оммавий ахборот воситалари номинациясида 2-ўринни қўлга киритган.

» Алло, бу тахририятми?

Чамбилтепа

боғчага муҳтож

Ассалому алайкум, «Зарафшон» газетаси ходимлари. Биз истиқомат қиладиган Булунгур туманининг Кафтархона маҳалласида 14-умумтаълим мактаби филиали қурилди. Ўқим ҳам ушбу даргоҳда таълим олади. Фарзандларимиз яратилган шароитлардан мамнун.

Ҳозир эски мактаб биносидан оғирхона сифатида фойдаланилган. Уни мактабга таълим муассасаси сифатида реконструкция қилса бўлмасмикан?

Ахир, қишлоғимизга боғча керак-ку!

Э.Исроилов,

Булунгур тумани, Кафтархона маҳалласи.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Муҳбир дегани бундоқ огоҳлантириб келса-да. Одам уёқ-бўёққа ҳараб олса. Дабдурустдан келса, танқид қилади-да...

БУГУННИНГ САВОЛИ

Агар ҳар бир муаллим бир нафардан иқтидорли ўқувчини оталиққа олса, бир йил ичида буювтада 60 минг нафар билимли, ақлли йигит-қиз шаклланади. Бу оддий арифметикани ким тизимида айлантиради?

» Фельетон

Журналист эмасман, оддий ўқитувчи-ман. Лекин мақолаларим газета ва журналларда чиқиб туради. «Мақолаларим» десам, биров нотўғри бўлади-ю, лекин менинг ёзганларим бошқаларнинг номидан бўлса ҳам газетада чиқади-да. Шунинг ўзи «қаламим» борлигидан далолат берса керак.

Мактабда деворий газета чиқаришда ўқувчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб, айрим нарсаларни ўзим ёзиб беришимни ҳамкасбларим яхши биларди. Шунинг учун бир кун директоримиз хонасига таклиф қилиб, «Бир-иккита яхши мақола ёзиб берасан, ука», деди.

«Бизники шунчаки хавас, катта газеталарга мақола ёзмаганман», десам ҳам унамади. «Салгина эга-кесимини келиштириб, қороз қоралаб берсанг

бўлди, уёғини ўзим хал қиламан», деб туриб олди. Мактабда ишлашим керак, қолаверса, директор фонд деган гаплар бор — рози бўлиб қўя қолдим.

Директорнинг ўғли Тошкентдаги катта университетлардан бирида ўқийди. Нуфузли стипендияга ҳужжатларини топшираётган экан. Ана шу ҳужжатлар орасида газета-журналларда чиққан мақолалари ҳам бўлиши керак экан. Хуллас, икки кундан ке-

Ҳикмат

Битта дарахтдан миллионга гуғурт донаси ясалади. Бир дона гуғурт донаси билан эса миллионга дарахтни ёкиб юборса бўлади.

Шундай экан битта салбий ишни ҳам содир қилиб қўймагинки, ҳаётингдаги миллионга ижобий ишингга ўз таъсирини кўрсатади.



» Билмаса ҳазил

Бечора «Норка»

Ота-она ўғилми, қизми, фарзанд туғилганда яхши ният билан чиройли исм қўйишади. Аммо кейинчалик эркалаб, лақаб билан атай бошлашади. Бу — фарзанд вояга етгач, кўнглини ўқитиб қўйишини ҳаёлга ҳам келтиришмайди.

...Норкани ҳамма танийди ва шундай аташади. Асли исми Норбек эканлигини бошқалар-ку, билмайди, аммо ўзи ҳам деярли эсламайди. Ёши қирқдан ошяптики, ҳамон «Норка».

Бир кун даврада исмлар ҳақида гап кетганда, институтда ишловчи дўсти «Жўра, норка дегани нима, биласанми?», деб сўраб қолди.

— Билман, мен-да! — деди Норка кулиб.

— Хафа бўлма-ку, жўра, «Норка» дегани мўйнали хайвон — терисидан телпак, пальто ёқа тикиладиган қоракўзан.

Даврада кулги кўтарилди. Норка уялгандан қизариб кетди.

Бунақа кулги лақаблар кўп

учрайди: Хайрулла — Хайкага, Ханифа — Ханкага, Зайнаб — Зайкага, Санжар — Санкага ва ҳоказоларга айланиб кетган исмлар бор. Фарзандларига ўзлари билмаган ҳолда миллий ғуруримиз ва нуфузимизга мутлақо ёт хорижий сериаллардаги ажнабий исмларни қўяётган ота-оналарчи.

Шу ўринда туғилганлик тўғрисидаги ғувоҳномада исм-шарифлар қўпол имло хатолар билан ёзилишда давом этаётганини айтиб ўтиш керак. Бу хатолар эса шахснинг паспорти, шаходатномаси, дипломига кўчмоқда. Масалан, исм-шарифларнинг «Хамракул», «Гулбаҳар», «Хаджимамат», «Джамалиддин»,

«Урак», «Хужакул» ва ҳоказо деб ёзилишини қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, ФХДЁ бўлимларида олий маълумотли мутахассислар ишлашади. Улар фарзандларига туғилганлик тўғрисида ғувоҳнома олиш учун келадиган ота-оналарга буларни тушунтиришлари, исм-шарифлар бехато ёзилишига эътибор беришлари керак. Хатони тузатиш эса кейинчалик анча қийин кечади. Ўзбекча исмлар ва уларнинг изоҳли лугати бор. Менимча, бу китоб ФХДЁ бўлимларида, ҳар бир хонадонда бўлиши лозим.

Исм-шариф инсон шаъни, ғурури, ижтимоий мавқеида муҳим аҳамият касб этади. Чиройли исми билан муурожаат қилишганда шахс калбида фахр туяди. Қолаверса, исм-шарифларнинг бехато ёзилиши она тилимизга бўлган ҳурматни ҳам ифодалашнинг унутмайлик.

Тоғаймурод ШОМУРОВ

» Топишмоқ

Бу қайси шифохона?

ОПЕРАЦИЯ ОЛДИДАН

— Синглим, онангизни эртага операция қиламиз. Шунга мана бу рўйхатдаги нарсаларни келтирсангиз.

— Рўйхат катта-ку, духтур. Ахир бу нарсаларга икки кишини операция қилиш мумкин. — Энди, синглим, операция жиддий иш. Хар хил ҳолат бўлиши мумкин. Эҳтиёт бўлган яхши-да.

— Анави ерга «Бу шифохонада барча муолажалар бепул амалга оширилади», деб ёзилган экан.

— Жуда инжиқ экансиз-да, синглим. Гап онангизнинг соғлиғи устида кетяпти. Врачларнинг кайфияти бузилмасин, дейман. Ха, айтгандай, бу қорозчани бировга кўрсатиб юрманг, хўпми? Кейин, иложи бўлса, бирорта яхшироқ ошхонадан ўн кишига тушлик ҳам келтиринглар. Операциянинг яхши тугатганини нишоналаймиз.

ОПЕРАЦИЯДАН СЎНГ

— Мана, сингилжон, жа ваҳима қилаётган эдингиз. Шукр, онангиз операциядан муваффақиятли чиқди, духтурлар ҳам роса терлашди.

— Раҳмат, барака тошинглар, қўллари дард кўрмасин ўша врачларнинг.

— Энди қондага қўра, ўша қўли енгил врачлар ва ҳамшираларга озроқдан пул ҳам беришимиз керак.

— Ака-укам йўқ, мен шартнома асосида ўқийман. Отам пенсионер. Лекин мана бу 100 минг сўмини чин қўнгилдан атаганмиз. 150 минг сўмлик тушлик ҳам келтириб бердим.

— Мени тўғри тушунинг, операция ниҳоятда қийин кечди. Икки духтур, уч ҳамшира ишлади. Хар бирига 100 мингдан бермасак ноқулай. Халиям бошқаларникидан анча кам айтдим.

— Мени кечирасиз-у, мол бозорда даллол бўлишингиз керак экан. Хайф сизга бўлим мудирлик! Агар мендан бошқа одам бўлганида органга айтиб, хонумонингизни қуйдириб юборарди. Энди билдим Президент сизларнинг ишларингиздан нега бунча норизо бўлиши сабабини. Манг, агар гап беш юз минг сўм устида бўлса, қўнглингиз жойига тушин, контрактини бир амалларман...

Фармон ТОШЕВ

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи янада кўркемлашади

Буюк муҳаддис номи билан аталувчи мазкур мажмуа Самарқанднинг энг табарруқ қадамжоларидан.

Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Пайариқ туманида буюк муҳаддис номи билан аталувчи ёдгорлик мажмуаси ёнида марказ бунёд этилмоқда. Давлатимиз раҳбари жорий йил 17-18 март кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини босқичма-босқич реконструкция қилиш, бунинг учун хар томонлама пух-

та ўйланган лойиҳа ишлаб чиқиш топширғини берган эди.

Имом Бухорий мажмуасини қайта қуриш лойиҳа-таклифи ва Хартанг қишлоғининг бош режа-лойиҳаси маъқулланди. Ишлаб чиқилган бош режа ва лойиҳа таклифига мувофиқ, мажмуанинг умумий жойлашув ер майдони 60,4 гектарни ташкил этиб, тўлиқ қайта реконструкция қилинади. Айни кунда халқаро илмий-тадқиқот маркази қурилиш-пудрат ишлари якунланиш арафасида. 6 гектар майдонни эгаллаган марказ ҳудудида ҳадисшунослик мактаби ва мазкур мактаб тингловчилари учун ётоқхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш масканлари бунёд этилади.

Шунингдек, бу ерда битта тўрт

каватли катта, 6 уч каватли ўртача ва 20 икки каватли кичик меҳмонхона қурилади. Супермаркет, йирик савдо маркази, амфитеатр биноси, дехкон бозори, ҳаммом, иккита таҳоратхона, миллий ҳунармандчилик буюмлари ва сувенирлар сотадиган 16 савдо дўкони, чойхона, ресторан, болалар майдончаси, учта автомобиллар сақлаш майдончаси, минибанк ва бошқа бинолар бунёд этилади.

Марказ келгусида Имом Бухорий мажмуаси билан яхлит комплекс сифатида юртимиздан етишиб чиққан буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этишга хизмат қиладиган маърифат масканига айланиши шубҳасиз.

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ

Самарқанд вилоятида

1105 археологик,
670 меъморий,
37 диққатга сазовор жой,
18 монументал,
21 мемориал, жами
1851 моддий-маданий мерос объекти мавжуд.
Шунингдек, Самарқанд давлат бирлашган бадий, тарихий-меъморий музей-қўриқхонасида **8** музей,
6 тарихий обида ва **2** зиёратгоҳ бор.
Музей-қўриқхона фондларида **211** мингдан ортиқ экспонат сақланмоқда.

► Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ижтимоий шериклик: ТАНҚИД ВА ТАҲЛИЛ

Очиқ ва таҳлилий-танқидий руҳда ўтган йиғилишда жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Бугун юртимизда фаолият юритаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари амалга оширилаётган кенг қўлланли ишхотларда фаол иштирок этиб, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларнинг маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Зеро, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида урғу берилган. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун ҳамда Президентимизнинг жорий йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони нодавлат нотижорат ташкилотларда фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган. Йиғилишда ана шу ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси ҳусусида сўз борди.

Йиғилишда Парламент комиссияси аъзоларининг ҳудудларда ўтказган тадбирлари тўғрисидаги ахбороти тингиланди.

Қайд этилишича, ўтказилган тадбирлар давомида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантириш дастури, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик маслаҳат органлари фаолияти батафсил ўрганилган. Ишчи гуруҳ ижтимоий шериклик бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, ННТ лари ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорлик, давлат гранти, ижтимоий буюртмалар, субсидия лойиҳаларининг қай даражада уддалаётганини таҳлил қилган. Айрим вилоятларда давлат органларининг ННТ билан ҳамкорлиги оқсатгани танқид қилиниб, давлат бошқарув органлари ҳамда ННТларга ижтимоий шериклик юзасидан тегишли тавсиялар берилган.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг дастур ва лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2019 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасига тақлифлар киритиш тўғрисида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди директори О.Хусанов маъруза қилди. Парламент комиссия раиси А.Саидовнинг таъкидлашича, айрим ташкилотлар ходимлари "Ижтимоий шериклик тўғрисидаги" қонун моҳиятини тўлиқ англаб етмаган. Булар орасида давлат органларининг ҳам борлиги ачинарли ҳол. Мисол учун фондининг 2019 йил маблағларини шакллантириш учун қирқдан ошқ давлат ташкилотига Парламент

Йиғилишда, шунингдек ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари, Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари аъзолари билан ҳамкорликни кучайтириш истиқболлари муҳокама этилди. Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакиллари билан кенг доирасини ҳабардор қилиш, жойларда ижтимоий шерикликни кучайтиришга, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантиришга катта қўмак беради.

Б.ЙЎЛЧИЕВ

► Инсон манзаралари

Ўша кун ҳаддан ташқари иссиқ, йилт этган шабода йўқ эди. Ёқимсиз ҳовур юзга урилди... Жазирамада дўконга харид учун кетаётган эдим, кулоғимга ёш боланинг йиғиси эшитилди. Қарасам, болалар боғчаси ёнида беш ёшлардаги гўдак ерга ўтириб олиб, йиғлаб ўтирибди.

— Ҳа, ўғлим, нега йиғлаясан?

— Гиламимиз ерга тушиб кетди амаки, энди аям уради.

Бола мисоли терак япроғидек қалтирарди. Ким экан, авжи жазирамада ёш болани ўзидан оғир гиламини олиб келиш учун юборган?

— Уйингни биласанми?

— Ҳа.

— Унда юр, хозир бирга уйингга борамиз.

Хуллас болакай билан бирга панжарадан тушиб кетган гиламга ёпишиб қолган хас ва ҳазонларни тозаладик. Терга тушиб кетган бола ҳамон титраб йиғлар, нозиккина қўллари билан гиламини тозаларди. У билан гиламини олиб, йўлга тушдик. Шу атрофдаги уйланинг бирида, тўртинчи қаватда яшар экан.

Бола бечора уйига яқинлашгани сари яна титраб-қақшаб йиғлай бошлади. Унинг ҳаддан ташқари қўрқаётгани аниқ эди. Хонадон эшигини аста тақиллатдим. Эшик очилиб, ёшгина жувон на салом

бор, на келинг, деган сўз, болакайнинг қўлидан ичкарига тортиб, аямай дўппослай бошлади. Дахшатдан қотиб қолдим. Ичкарига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмасдим. Хайриятки, қўшни хонадон эшиги очиб бўлиб, истараси иссиқкина аёл бу манзарани бошини чайкаб кузатиб турган экан. Очиги, болакайга жуда раҳим келди. Холбуки, мен уй соҳибаси гиламини олиб келганлигим учун миннатдорлик билдирса керак, деган умидда эдим. Нега у болакайни пуччаллик бемехрлик билан урмоқда?

Бу воқеадан қаттиқ изтиробга тушиб, биринчи қаватга йўл олдим. Ҳаёлимдан гўдакнинг йиғиси кетмасди, қайси замонда яшапмиз ўзи? Бу бола боғчага борармикан? Айни жазирамада, гўдак увол-ку!

Ўзимга келиб, маҳалла фуқаролар йиғини раисини топиб, вазиятни унга тушунтирган бўлдим. У мазкур хонадонни яхши билиши, муҳит жуда ёмон экани-

Экологик тоза ва зарарсиз энергия

ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

► Шу куннинг гапи

Ўзбекистонда 85 фоиз электр энергияси газ, кўмир ва мазут каби углеводородларни ёқиш ҳисобига иссиқлик электр станцияларидан олинади. Қолган қисми эса гидроэлектр станциялар ҳисобига тўғри келади.

Зеро, табиий газни электр энергия учун ёқиб юборгандан кўра, уни саиоатда хомашё сифатида ишлатиш ёки чет мамлакатларга экспорт қилиш мамлакатга фойда келтирган бўлар эди. Мисол учун, Бирлашган Араб Амирликлари бой нефть захирасига эга бўлишига қарамай, 4 атом электр станцияси қуришни режалаштирган.

Президентнинг 2017 йил 2 майдаги "2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарори мавофиқ, янги гидроэлектростанциялар қуриш ва мавжудларини техник қайта жиҳозлаш орқали 2025 йилга келиб, 2016 йил ҳисо-

бидан гидроэнергияни 1,7 баробар ошириш мўлжалланган. Лекин гидроэнергиянинг умумий энергетикадаги улуши қўп эмаслиги ҳамда Ўзбекистон сув ҳавзаларининг мавсумий ўзгариб туришини инобатга олсак, қарорда кўзда тутилган чора-тадбирлар мамлакатимиз энергетикаси муаммосини фақат қисман ҳал этиши мумкин.

Аҳолининг электр энергиясига эҳтиёжи кун сайин ошиб борапти. Шунини инобатга олиб айтиш мумкинки, юртимизда атом электр станцияси (АЭС) қуриш бу борадаги вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий 10 июль кунини мамлакатимиз-

да мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда давлатимиз раҳбари шундай объектларни қуриш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси асосида иш тутиш, атом электр станциясини жойлаштириш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва геологик-қидирув ишларини сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Маълумки, атом электр станцияси қуриш ва ундан фойдаланишда энг замонавий ва мураккаб технологиялар қўлланилади. Бунинг учун эса чуқур билим ва юқори малакага эга бўлган мутахассислар керак. Шу боис Тошкентда физика соҳасида дунёда етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланган Москва муҳандислик-физика институти филиалини очиб мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро

физикаси институтининг бу борадаги тутган ўрни жуда катта аҳамият касб этади. Ядро физикаси институти олимлари АЭС қурилиши лойиҳасининг асосий ташкилотчиларидан биридир. Шунингдек, АЭСни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш учун минглаб мутахассислар тайёрлаб беришга масъул муассаса ҳисобланади. Бунинг учун келгусида Ўзбекистоннинг бир қатор олий таълим ва геологик-қидирув ишларини сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда атом электр станциясининг ишга туширилиши мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ҳамда сиёсий жиҳатдан юксалтиради.

С.ЭГАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти илмий қотиби, физика-математика фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Абай ижоди

ИХЛОСМАНДЛАР АРДОФИДА



► Хотира

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан "Абай Қўнонбоевнинг ижодий мероси ўзбек халқи учун қадрлидир" мавзuida ижодий кеча ўтказилди.

Президентнинг жорий йил 13 мартдаги "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори қардош Қозғонистон халқига, унинг бетакрор адабиёти ва маданиятига бўлган улкан ҳурматининг ифодасидир. Мазкур қарор ижроси доирасида

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика қозоқ миллий маданий маркази ҳамкорлигида ўтказилган ижодий кечада Абайнинг ўз халқига чексиз меҳр-муҳаббати, уни умумбашарий шоирга айлантирган она Ватанга садоқати, эл-юрт тақдири йўлидаги жонқуярлиги ва фидойилиги барча учун ўрнатқан экани таъкидланди.

Абай ҳаёти ва фаолияти таҳлил этилганда, унинг қандай чиғирлардан ўта олган улғу шоир, миллат бўлиб экани ҳақида фикрлар билдирилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, икки халқ ёшларини адабиётнинг улғу намоёндалари ижоди билан кенг таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Қозоқ адабиёти ривожидида Абай ижодининг ўрни", "Абай – қозоқ халқининг ёрқин юлдузи" мавзуларида маърузалар тингиланди. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи "Абай қозоқ ва ўзбек халқларининг ёрқин юлдузи" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Йиғлаётган болани

КИМ ЮРАТАДИ?



бўлгандан сўнг жамоатчилик, маҳалла ва қўни-қўшни оёққа туради. Лоқайдлик қилмаганимизда, бундай аянчли воқеа юз бермасдики, деб ёвдирарди. Интернетда ўқидим, водийда бир аёл беш ёшли болани бўғиб ўлдирди, дарахт тагига ташлаб кетди. Б аёл эса икки гўдакни ўзи билан арқонлаб бирга сувга ташлаган. Қарангки, ўзи тирик қолиб, беғуноҳ гўдаклар халок бўлишди...

Янглишмасам, «Осиё» номли турк сериалида бир аёл шундай қилган. Самарқандда эса хусусий туғуруқхонада харидори чиқмаган гўдакларни печкада қуйдириш... Бундай қабих ишларни иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар қилишганди. Бизни ўзи нима жин урди?

Мурнақларга меҳр керак. Бола ўзига меҳр кўрсатган инсонни ҳеч қачон унутмайди. 2012 йилда Қуйи Чирчиқ туманидаги «Янги ҳаёт» худудда қорхона хашарчиларига бош эдим. Тўрт ёшлардаги бола деярли,

ҳар кунни хашарчилар қўналғасига келар, ҳаммага қизиксиниб тикилар, қичкина новдани от қилиб миниб ўйнади. Кейинчалик билсак, бу бола қўшни хонадонда яшовчи аёлнинг ўғли бўлиб, қишлоқда боғча йўқлигидан қўчада ўйнаб юрар экан.

Унинг отаси Россияга ишга кетиб, ўша ерда оила қурибди. Бир кун болакайга дўкондан музаймоқ ва ўйинчоқ машина сотиб олдим. Боланинг қўллари порлаб, менга миннатдорлик билан жилмаярди. Пахта терим тугаб уйга қайтдик. Бир кун ходимлар бўлимдан қўнғироқ қилишиб, бир аёл мени сўраб келганлигини айтишди. Қарасам, Самандар ва онаси.

— Самандар сизга ўрганиб қолган экан, ичкики қоляпти...

Самандар эса тап-сўзсиз ўзини менинг қўчоғимга отди.

Ўтган йили Самандарни йўқлаб яна «Янги ҳаёт»да бўлдим. У энди улғайиб, мактабда ўқиётган экан.

Сир эмас, қўпичча

мана шундай қийналиб улғайган болалар келажакда ажойиб, машҳур инсонлар бўлиб етишади. Ҳатто бундай воқеалар яқин ўтмишда ҳам бўлган. Бундан юз йилча муқаддам Қўнон атрофидан олти ёшли қизалоқни бир оила муҳтожлик туфайли йўлда ташлаб кетди. Болага қанқоқ инсонлар уни боқиб олишди ва ўн бир ёшида болалар уйига топширишди. Кейинчалик бу қизалоқ машҳур оlima бўлиб етишди.

Қўйингчи, гилами ерга тушиб кетган боладан хабардор бўлиб туришни маҳалла раиси, участка нозирини ва шаҳар хотин-қизлар кенгаши раисидан илтимос қилгандим. Лекин ўша кунни ҳам, эртасига ҳам ҳеч ким менга бу ҳақда қўнғироқ қилмади. Эсларидан чиқаришган шекилли. Бояги болакай нима қилапти экан, хали ҳам қалтқал остидамикини? Билмадим.

Менинг ҳам хозирча суриштиришга фурсатим бўлганича йўқ.

Озод
ХУШНАЗАРЗОДА

Эълон

Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!

«BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган «ОЧИҚ АУКЦИОН» савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Бухорогазсаноатқурилиш» АЖнинг 17.07.2018 йилдаги №Х/10-808-сонли буюртма хатига асосан «Бухорогазсаноатқурилиш» АЖга қарашли «Нефтегазавтотрансхизмат» унитар корхонасига тегишли бўлган, Бухоро шаҳар Халқлар дўстлиги ва Алпомиш кўчалари кесилишвидаги 4-уйда жойлашган, умумий ер майдони 0,94 га, қурилиш ости майдони 2559,06 кв.метрдан иборат Автотараж базаси бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – **445 195 000** сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 17 август кунни соат 11:00 да Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-уйдаги «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги бино-иншоотлар 2018 йил 17 август кунни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 27 август ва 04, 11, 18, 25 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00да ўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖнинг ЧЭКИ Савдогарбанк Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт:

х/р: 2020800900483347001, МФО: 00112.

ИНН: 303086230.

Қўшимча маълумотлар учун «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ Манзил: Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10-уй. Телефонлар: (0365) 221-53-16. www.realtor-company.uz. Лицензия RR-0248.

Халоллик рейтингги: НЕЧАНЧИ ЎРИНДАМИЗ?

► Инсон зийнати



Тиниб-тинчимаган, изланишдан чарчамайдиган европаликларга қўйил. Қизиқмаган иши йўқ. Ҳатто энг ҳалол инсонлар қайси давлатда яшашини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказишди. Бунинг учун дунё миқёсида 16 шаҳарни танлаб, одамлар гавжум бўлган савдо марказлари, бозорлар, хибонларга 12 бир хил ҳамёнга маълум миқдорда пул, эгасининг телефон рақами ва уй манзилини ёзиб ташлаб қўйишди. Ўрганишлардан маълум бўлдики, рўйхатнинг бошини ҳам, охирини ҳам европаликлар эгаллаган. Биринчи ўринда финландияликлар турибди. Улар 12 ҳамёндан 11 тасини ўз эгасига қайтарган бўлса, охириги ўринда турган португалларнинг бирортаси бу ишни қилмаган.

Бу ҳислат қанчалик муҳим дейсизми? Келинг, буни японлар мисолида кўриб чиқамиз.

Япониянинг тез таракқий этишида халоллик асқотган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ислохотлар даврида ҳар бир ташкилоту корхонада раҳбар ва ходимларнинг муносабати ўзаро ишонч ва масъулиятга қўйилган. Иш берувчи ҳам, ишчи ҳам берилган вазифани чин дилдан бажаришга, бир-бирининг ишончини оқлашга ҳаракат қилган. Натижада иш унуми ҳам, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортиб бораверган. Бу ҳолат бутун мамлакатни камраб олган, натижада киска фўрсатда Япония илор давлатлар каторидан жой олган. Японларнинг ўзига хос фазилатини — маданият, тартибли халқ эканини футбол бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионати яна бир бор исботлади (буни изоҳлашга ҳолат йўқ).

Французлар ҳам савдо-сотиқ борасида анча ишончли. Улар нимаики сотмасин, албатта, камчилигини, айбини айтиб сотади.

Агар бизда ҳам юқоридаги каби тадқиқот ўтказилса, нечанчи ўринда бўлардик? Буни ҳамёну қўл телефонини йўқотганлардан сўраш керак. Шу пайтгача ҳамёнини йўқотиб топганларни жуда кам учратдик. Телефон борасида-ку ахвол бундан ҳам аянчли. Нега дейсизми? Қимматбаҳо ёки оддий қўл телефонини бирор жойда унутиб қолдирсангиз, ярим соатдан сўнг кўнжирок қилсангиз, оператор кизининг "хизмат доирасидан ташқарида" деган мулоҳим овози юрагингизни ўйнатиб юборади. Ёки мен адашпманми?!

Тасаввур қилинг, бозорчиларимиз французлар каби тўғри сўз, ҳалол ва виждонли бўлганда, сув қўшилган

сутни, сут қўшилган қаймоқни, пакетга солинган таги чиргу усти бутун картошкаларни, бир килоига ярим кило суяк қўшилган гўшти уйга кўтариб бориб, аёлимиздан дакки эшитмасдик. Йўқ, бундай одат бизга тўғри келмайди. Агар шундай бўлса, бозоримиздан "файз-барака", чўнтақдан даромад кетиб қолади-да.

Буларни ўйлаб, бир олимнинг "Агар бизда ҳар соҳада халоллик бўлганида, бундан иккинчи-уч баробар яхшироқ яшаган бўлардик", деган гапи ёдимга тушди. Ҳа, унинг гапларида жон бор. Чунки яқин-яқингача бирор жойга ишга кирсанг, айримлар "Левиёси борми?", "Ёрли жойми?" дея суриштирарди. Даромад факат ойликдан десанг, "ойликка яшаб бўларканми?", дея ишонч қирамасди. Уларнинг наздида "ёили жой" бу — давлат корхонасини каламуш каби кемиришдан иборат. Бундайларга халолликдан гап очсанг, ўзини эшитмаганча олади. Улар учун "халол" сўзи факат озиқ-овқат маҳсулотларига ишлатилади. Топилаётган пулга эмас.

Бу билан кўпчилик ҳаром пул топапти, демокчи эмасман. Аслида халқимиз биронинг ҳақидан ҳазар қилади.

Мабодо, ўша европалик олимлар бизга келиб тадқиқот ўтказишса, халоллик нималигини бир кўрсатиб қўйилик! Нима дейсиз?


Бу ҳақда фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" шарҳловчиси

Аммо бозор иқтисодиёти, ўтиш давридаги қийинчиликлар кишилар назарини бироз оч қилиб қўйди, шекилли, "Текин бўлса, михни ют" қабилади иш юритадиганлар илдиришди. Шу боис кейинги пайтда алдов, фирибгарлик ёшу бош, каскор, аёлу эркак танламай ўз қомига тортмоқда. "Фалончини тушириб кетибди, қарз олиб, пулини еб кетибди, ташкилотни еб битирди", деган гапларни, ҳатто "учар" йигитларимиз ўзга юртларга бориб, бу борада кўпчиликка "ўрناق" бўлаётганини ҳам эшитамиз.

Бирок орамизда кўплаб тўғри сўз, диёнатли, ҳалол инсонлар ҳам борки, уларнинг биргина хатти-ҳаракати барчага ўрناق. Мисол учун яқинда ижтимоий тармоқда бир киши қора сумкада катта миқдорда пул топиб олганини, эгаси чикса қайтариши ҳақида эълон берибди. Қуни кеча бир дўкон хўжайини сотувчиси харидорларга маҳсулотни қиммат пул-лаётгани учун анча дакки бериб, биронларнинг ҳақидан эҳтиёт бўлишни уқитди. Буларни кўриб, қанийди, ҳамма ҳам шулар каби ҳалол бўлса, ошимиз олчи бўлиб, мамлакатимиз ривожланган мамлакатлар каторига етиб олган бўлармиди, деб ўйлаб қолдим.

Бугун ҳалол ва ҳаромни ажратиб олиш, дунёга теранроқ назар ташлаш пайти келди. Ўзганинг ҳақидан қорин қаппайтириш, айниқса давлат мулкни, халқ бойлигини ўмариш даври ўтди. Бугун юртимизда яхшилик, халоллик, шамоллар эсаяпти. Диний барикенглик, маърифат борасида кенг қўламли ишлар бир томондан бўлса, жамиятда адолат, ҳақиқат ўрнатиш учун ҳаракат қилаётган Халқ қабулхоналари, Мажбурий ижро бюроси, Давлат хизматлари маркази каби қатор ташкилотларнинг хатти-ҳаракатлари иккинчи томондан камарбаста бўлаётди. Буларнинг барчаси шу эл, сизу биз учун.



"Ҳай!" дейдиган МАРД ЙЎҚ

Бемор шифохонага даво истаб боради. Бундай пайтда киши кўзига саломатлигидан азизроқ нарса кўринмайди. Аммо даво излаб борган жойингизда шароит тугул, оддий тозалик, тартиб бўлмаса-чи?.. Дард устига чипқон бўлиши тайин.

Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмасининг ягона тиббиёт мажмуаси аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатаётганидан кўпчилик мамнун. Бирок, бу кайфият билан бирлашмагача етиб бора олмайсиз. Шифо масканидан рози бўлиб чиқасиз, дилингиз яна хуфтон бўлади. Сабаби шундоқки Бирлашма рўпарасидаги савдо ва оқватланиш шаҳобчалари, тирбандлик ва куннинг иссиқлиги бу ердан таралаётган қўлаш ҳид. Ҳар қандай кишини кўнгли айнийди.

Шифохона рўпарасидаги зовурнинг чикитга тўла ахволини кўриб, хайрон қоласиз. Елим идишлар билан бирга сузиб юрган сув ўтларининг хидига таъриф йўқ. Қун исигани сайин уларнинг хиди бутун туман бўйлаб тарқалмоқда. Афсуски, бу ҳолат ҳеч кимни ташвишга солмапти.

Тахминимча, яқин вақт ичида бирор туман раҳбари бу ердан ўтмаган кўринади. Агар ўтганида бирор чора кўрган бўларди?! Ёки бундай аянчли манзара улар учун оддий ҳоликми?!

Дарвоқе, зовур атрофида кўплаб "ишбилармон"лар ти-

риқчилик қилишади. Аммо ўтирган жойини тозалаш, обод қилиш, жилла курса, тегишли ташкилотларга мурожаат этиш уларнинг ўйига ҳам кириб-чикмаган. Қайтага янгица «инновацион» усул ўйлаб топишган: махсус тўрни зовур устига шундоқ ёпиб қўйишган, вассалом. Кўрмайдими ҳам, қўймайдими ҳам... Мана сизга уздабуронлик.

Бундан ташқари, юз метрлик кўчанинг икки бети оқватланиш шаҳобчалари билан тўлган. «Яхши-ку! Тирноқ остида кўр қидирайсизми...» дерсиз. Бу ерда оқватланишдан аввал, биронинг ёмон отлик қилмайдик, дея опахонлар тайёрлаган сомсадан табиб кўрдик. Сомсада-ку бирор маза сезарсиз, аммо ўтирган жойингизнинг ифлослигидан нима еётганингиз ёдингиздан чиқади. Гапнинг қисқаси, бу опахонлар тозалик, озодалик каби сўзларни биллишмайди, шекилли. Столини оппоқ сочқ билан артсангиз, ранги чин-

Афсуски, йўлни кенгайтириш ва бу ерда ҳам «Ҳай!» деган хўжа борлигини кўрсатиб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Афтидан етти эмас, етмиш ухлаб туришсам, тушларига қирмайди. Аксинча, бу ерда янгида-янги савдо дўконлари пайдо бўлмоқда. Демак, йўл анда тораёди, ҳаракатланиш эса қийинлашади. Тозалик, покизалик эса...

Отабек ИСРОИЛОВ
Бекзод ШАҲОБИДИНОВ (фото).

НОВЫЕ ПРОДУКЦИИ АО «NAVOIYAZOT» NPK удобрение

НПК или азотоса — высокоэффективное комплексное удобрение, содержащее такие основные питательные элементы для растений, как азот, фосфор и калий.

Особенности и преимущества азотоса активизируют процессы роста растений, увеличивает процент всхожести семян;

укрепляет иммунитет растений, мобилизуя защитные свойства; уменьшает поражение корневой гнилью, мучнистой росой, ржавчиной; обеспечивает повышенную прочность стеблей растений и устойчивость зерновых культур к полеганию; обеспечивает значительную прибавку урожая (от 20 до 50%); позволяет осуществлять индивидуальный подбор норм и способов внесения удобрения в зависимости от определённой культуры и почвы;

азотоса хорошо удерживается в почве, практически не вымывается различными осадками, меньше фиксируется почвенно-поглощающим комплексом, чем однокомпонентные туки; снижает затраты времени и денег благодаря высокой концентрации действующих веществ, особенностям хранения и внесения;

ФОРМАЛИН

Формалин прозрачная, бесцветная жидкость со своеобразным острым запахом. В природе формалин образуется в зелёных листьях и в дальнейшем служит важным исходным материалом для жизнедеятельности растений.

Область применения:

Наиболее широкое применение формалин нашёл в таких отраслях как: металлургия, нефтяная и нефтехимическая промышленность, кожевенное и меховое производство, сельское хозяйство и бумажная промышленность.

Основная часть формальдегида идёт на изготовление древесностружечных материалов, где он используется для получения карбамидных смол. Формалин применяется в производстве синтетических смол, волокон, каучука, пластмасс, органических красителей.

Так же формалин применяется в птицеводстве для дезинфекции. Используется для дезинфекции птичников и яиц.

Широкое применение находит: в бумажной промышленности для улучшения прочности и качества бумаги; в

кожевенной — для дубления кожи; в текстильной — для повышения сопротивляемости изделий к сминанию и усадке; в сельском хозяйстве — для обработки семян и корнеплодов, дезинфекции почвы и животноводческих помещений; в медицине — в качестве дезинфицирующего средства.

БУТИЛАЦЕТАТ

Бутилацетат — хороший растворитель нитроцеллюлозы, хлоркаучука, глифталевых смол и др. плёнкообразующих веществ, применяемых в лакокрасочной промышленности.

Применение

Для получения лакокрасочных плёнкообразующих материалов, для разведения лаков и красок перед применением, в качестве добавки в лаки для улучшения свойств лаковой плёнки. Растворитель для масел, жиров, синтетических и натуральных смол, эфиров целлюлозы, каучуков на основе хлора, полимеров винила, клеев. Часто входит в состав универсальных многокомпонентных растворителей. Для обезжиривания небольших деталей на предприятиях радиоэлектроники. На кожевенных предприятиях как дубильный реагент и растворитель при обработке натуральных и искусственных кож. В фармацевтике применяется для получения антибиотиков и других лекарственных средств.

АЦЕТОН

Применяется как сырьё для синтеза многих важных химических продуктов, таких как уксусный ангидрид, кетон, диэтиловый спирт, окись метилэтила, метилизобутилкетон, метилметакрилат, дифенилпропан, изофорон, бисфенол А и так далее.

Ацетон также является популярным растворителем. В частности он используется как растворитель производства лаков; в производстве веществ; в производстве препаратов; в составе клея для киноплёнок как растворитель ацетата целлюлозы и целлюлозы; компонент для очистки поверхности в различных производственных процессах;

ПРОСТОЙ СУПЕРФОСФАТ

Простой суперфосфат — это универсальное фосфорное удобрение, которое подходит к употреблению под все виды

выращивания и для всех видов почвы, также лугов и пастбищ.

Применение

Эффективное средство для разнообразных сельскохозяйственных культур, может использоваться на любых типах почвы как самостоятельная подкормка, так и в комплексе с другими минеральными удобрениями.

Эффективность при внесении данной подкормки повышается путем уменьшения химического потребления грунтом фосфорной кислоты, для этого используют гранулированные формы удобрения, рядковое или локальное внесение.

ГИПОХЛОРИТ КАЛЬЦИЯ

Применение Гипохлорит кальция (хлорноватистокислый кальций) применяется для дезинфекции поверхностей в помещениях, жёсткой мебели, санитарно-технического оборудования, посуды, игрушек, уборочного инвентаря, наливных установок, выделений больного (фекалии, моча, рвотные массы, мокрота и др.), а также отдельных объектов (отходы, кровь и другие биологические субстраты) при инфекциях бактериальной (включая туберкулёз) и особо опасные инфекции — сибирская язва, чума, сеп, мелииоз, холера, туляремия) и вирусной этиологии, грибковых заболеваний в лечебно-профилактических учреждениях и инфекционных очагах; для обеззараживания хозяйственно-питьевой воды; для дезинфекции водопроводных сооружений при централизованном и местном водоснабжении, для отбели и других целей.

КИСЛОТА ТРИХЛОРИЗОЦИАНУРОВАЯ

Область применения

Растворы трихлоризоциануровой кислоты применяются для дезинфекции посуды, белья, помещений, воды в бассейнах, промышленных вод, для дезинфекции почвы и семян в сельском хозяйстве. Является одним из хлорированных дезинфицирующих средств на основе изоциануровой кислоты. Этот продукт и другие дезинфицирующие средства с хлорированными изоциануровыми кислотами обладают широким бактерицидным спектром и сильным эффектом стерилизации на вегетативную форму бактерий, вируса, грибковой споры и бактериальной споры.

► Билиб қўйган яхши



— Сўнгги пайтларда транспорт воситаларининг давлат рақамлари ўтириланиш билан боғлиқ ҳолатлар кузатишмоқда. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?

— Корхона, муассасалар, ташкилотларнинг қатъий ҳисобиди ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек автотранспорт воситаларининг ва улар тирмачаларининг (ярим тирмачаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, ҳудди шунингдек уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш, уларни яшириш гаразғўйлик ёки бошқа нафисиятларда содир этилганлиги ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 5-бўлим 15-бобининг 227-моддасини 1-қисмида жавобгарлик белгиланган. Мазкур модданинг 1-қисмида оқорида кўрсатиб ўтилган жиноятни содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг ишгирма беш бараварига миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан боғлиқ жазо турлари қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.

Саволга Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник А.АЛЛАМУРАДОВ жавоб берди.

“Ўзбекистон” наприёт-матбаа ижодий уйи жамоаси наприёт Бош муҳаррири Азимбой Бобониевнинг отаси

Йўлдош ота БОБОНИЕВ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Ш.ШОХИДОВА (фото)

Халқимизнинг фахрлинишга, дунёга кўз-кўз қилишга арзирли бой маданий-маънавий мероси, қадриятлари кўп. Неча минг йилларни камраб олган тарихимиз, илм-фанимиз, маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримиз бунга далил. Ноёб меъморий ёдгорликларимиз — уларнинг муҳим бўлаги. Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз каби шаҳарларимиздаги қадимий ва ўлмас обидалар асрлар оша бетакрор жозибаси билан жаҳон аҳлининг ҳайрат ва ҳавасини тортиб келаётир. Зотан, бу буюк ва умрбоқий мерос.

Мамлакатимиздаги меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, тиклаш, таъмирлаш ишлари фидойиларидан бири, Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг Меъморчилик бўлими мудири, меъморчилик фанлари доктори Мавлуда ЮСУПОВА билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Ўзбекистонимиз жаҳон сайёҳларининг чинакам Маккасига айланган ва иқтисодий-маънавий катта даромад келтирадиган улкан ва ноёб меъморий меросга эга, — дейди оlima. — Мамнуният билан айтгим келадик, давлатимиз раҳбари буюк аждодаларимиз яратган бебаҳо меъморий мероснинг маънавий ва иқтисодий таракқиётдаги муҳим аҳамиятини доим алоҳида таъкидлайди. Мамлакатимизнинг халқаро тарихий-маданий мақоми англани холда меъморий ёдгорликларни муҳофаза ва реставрация қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инчунин, тарихий обидалар ва қадимий шаҳарлар реконструкцияси учун катта маблағлар сарфланаётир. Булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ ва биз ушбу хайрли ишларнинг қадрига етишимиз, доим шукроналар келтириб яшашимиз даркор.

Истибодот замонидан забунлик қаърига отилган, оёқ ости қилинган, қадимий, айниқса, диний обидаларимиз, қадамжоларимиз, табаррук зиёратгоҳларимиз мустақиллик йилларида қайтадан тиклангани, ободонлаштирилгани ва бутун халқимизнинг, Ватанимизнинг фахр-ифтихорига, нафакат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳларининг ҳақиқатини маънавий айлантиришга қаратилган барчамизнинг қувонтириди. Зеро, бундай хайрли амалларнинг савоби, аҳамияти ва нафи-фойдаси минг йилларга татийди. Улардан келгуси авлодларимиз ҳам баҳраманд бўлади.

Айни пайтда, қадимий обидаларимизни сақлаш, тиклаш-таъмирлаш, реставрация қилиш ишлари баъзи жойларда масаланинг нозик жихатлари улкан аҳамиятга эгалича эътибор бермасдан адо этилаётган ҳолатлар ҳам, афсуски, учраб турибди. Бундай шовша-шопарлик, ишга енгил-елпи қараш, малакасизлик соҳада бажарилаётган роят улуғ ишларга соя солиб қўйётгани, янада ачинарлиси, меъморий ёдгорликларнинг тарихий ва юксак баъдий аҳамиятини пайсалишга олиб келаётгани сир эмас. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг раънақи, халқаро обрў-эътибори ва сайёҳлик салоҳиятига салбий таъсир кўрсатиши табиий. Очиги, бизда реставрация ишларининг сифатини замон талаблари даражасига кўтариш борасида ҳали талай тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги ҳусусида анчадан буён гапириб келинаётир. Аслида, бундай гапларга халқаро даражадаги эътирозлар ҳам сабаб бўлаётир. Мисол учун айтاي. Дастлаб 2013 йилда Самарқанддаги айрим обидаларни таъмирлашда бундай эътирозлар пайдо бўлган эди. Кейинроқ, 2016 йилда Шахрисабзнинг Эски шаҳар қисmini тиклашда айни ҳолат яна такрорланди.

Ўзбекистонда, 2017 йилдаги маълумотларга кўра, 2079 меъморий ёдгорлик, 4308 археологик объект давлат муҳофазасига олинган. Хива, Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанд қадимий шаҳарлар сифатида халқаро миқёсда тан олинди, улардаги осори-атикалар ЮНЕСКОнинг Бутун жаҳон маданий мероси ноёб объектлари рўйхатига киритилган. Жаҳон ҳамжамиятининг бебаҳо бойлиги саналган ўрта асрларнинг меъморий ёдгорликларини зукколик билан реставрация қилиш ва авайлаб-асраш устидан Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни муҳофаза бўйича халқаро кен-

гаш (ИКОМОС) ҳам назорат олиб боради.

Реставрация борасида, беозор айтганда, нотугал қабул қилинган ечимлар туфайли Самарқанд шаҳрига ЮНЕСКОнинг кучайтирилган мониторинги ўрнатилди. Шахрисабз шаҳри эса 2016 йилда “Бутун жаҳон маданий мероси хавф остида” рўйхатига киритилди. Чунки ЮНЕСКО ва ИКОМОС экспертлари уларда меъморий ёдгорликларни асраш борасида белги-

“Ўзбекистонда, 2017 йилдаги маълумотларга кўра, 2079 меъморий ёдгорлик, 4308 археологик объект давлат муҳофазасига олинган. Хива, Бухоро, Шахрисабз ва Самарқанд қадимий шаҳарлар сифатида халқаро миқёсда тан олинди, улардаги осори-атикалар ЮНЕСКОнинг Бутун жаҳон маданий мероси ноёб объектлари рўйхатига киритилган.

ланган халқаро меъёрлар бузилганига дуч келган эди.

Жумладан, Шахрисабзда Сохибқирон Амир Темур ва Темурийлар давридаги ўрта аср иншоотларига туташ ва ўзига хос уйғунлик касб этган анъанавий тураржой бинолари бузилди. Ўрнида замонавий бинолар қурилди. Бу эса қадим Кеш — Шахрисабзни “Бутун жаҳон маданий мероси хавф остида” халқаро рўйхатига киритилишига сабаб бўлди. Янги иморатлар ва замонавий усулдаги хиёбон ва ландшафтларни барпо этиш зарур. Лекин бундай хайрли ишлар тарихий обидаларимизга зиён-заҳмат етказмасдан амалга оширилса, аҳамияти янада ортган бўлар эди.

Шукурки, сўнгги хабарларга кўра, Шахрисабзга ЮНЕСКО томонидан яна бир имконият берилиб, шаҳар Бутун жаҳон маданий мероси ноёб объектлари рўйхатига қолдирилди. Хусусан, яқинда Бахрайнинг Манама шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бутун жаҳон маданий мероси кўмитасининг 42-сессиясида шундай қарорга келинди. Сессияда қатнашган мамлакатимиз Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирокчиларни Шахрисабзда олиб борилган ишлар билан батафсил таништирди. Қадимий шахримизни ЮНЕСКОнинг халқаро талаблари даражасида реабилитация қилиш, яъни мутахассислар иштирокида унинг тарихий муҳитини тиклаб, имкон қадар аввалги уйғунлигига келтириш зарурлиги таъкидланди. Шубҳасиз, бу янгилек ҳаммамизни қувонтирди.

— Қадимий меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва реставрация қилиш ишларида бундай ҳолат бошқа шаҳарларимизда ҳам учрайдими?

— Афсуски, “ха” деб жавоб бермай иложим йўқ. 2017 йили Бухорода маданий қатламларни бирмунча пасайтиришга қарор қилинди. Аммо бунда ишлатилажак оғир техника вибрацияси тарихий биноларни емирилишига олиб келиши ҳисобга олинмагани сезилиб қолди. Энг ачинарлиси, айни ишлар одатдагидай илмий асосланган лойиҳаларсиз, мутахассисларнинг дастлабки тадқиқотисиз амалга оширилди. Аслини олганда, маданий қатламни қамайтиришга жуда катта зарурат ҳам йўқ эди. Чунки ўтган асрнинг 80-йилларида мазкур шаҳардаги маданий қатлам XVI-XVII асрлар даражасига келтирилган эди. Бугунги кунда сақланиб қолган маҳобатли тарихий обидаларнинг аксарияти, пойтахт Самарқанддан Бухорога қўчирилганидан сўнг, айнан ўша — XVI-XVII асрларда бунёд этилган.

Хуллас, Бухородаги ўтган йилги уришлар оқибатида XVII асрнинг бетакрор ва гўзал обидаларидан бири — Абдулазизхон мадрасаси ён тарафининг марказий қисми кулаб тушди.

Марказий Осиёда сақланиб қолган мадрасаларнинг энг қадимийси — Мирзо Улутбек мадрасаси (XV аср) ҳам нураш арафасида. Бу икки обида “Кўш мадраса” номли Бухоро тарихий қисмининг марказий ансамблини ташкил этган. Айни пайтда Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаларида реставрация ишлари олиб боришмоқда. Уларнинг ёнида жойлашган “Кўш мадраса” эса янада кўпроқ таъмир талаб. Зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, улардан ажралиб қолиши мумкин.

ки, яқин-яқингача миллий хунараманд-усталаримиз кулолчилик устaxonаларида қадимгилардан деярли фарқ қилмайдиган безакли плиталарни ишлаб чиқарди. Муаммонинг сабабларидан яна бири, дунёга машхур Ўзбек реставрация мактабининг эътибордан анча четда қолаётганидир.

Ахволни ўнглаш учун, аввало, меъморий обидаларни реставрация қилувчилар касби-хунарини тиклаш зарур. Зеро, мамлакатимизда асрлар оша шаклланиб келган маҳорат мактаби, қадимий обидаларни тиклаш борасида бой тажриба мавжуд.

“Мамлакатимизда таъмирлаш ишини янада такомиллаштириш ва замон талаблари даражасида йўлга қўйиш учун, аввало, мутахассислар билан ҳамжиҳатликда профессионал реставрацияни амалга оширишнинг давлат дастурини ҳамда шаҳарлар тарихий қисmini тиклаш ва муҳофаза этишнинг изчил концепциясини ишлаб чиқиш зарур.

90-йилларгача Тошкентда Марказий Осиёда ягона Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини реставрация ва консервация қилиш лойиҳа-тадқиқот институти фаолият кўрсатган эди. Унда ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялаш лойиҳаси юзасидан уч юздан зиёд юқори малакали мутахассис ишлар, қимёвий лабораторияда эса қадимги қурилиш ва безак материалларининг таркибий илмий асосларда, пухта ўрганиларди. Хозир деярли барча лойиҳалаш юмушлари ҳусусий фирмалар қўлига ўтган. Улар кўп ҳолларда тўлиқ (археологик, конструкторлик, меъморий ва бошқа) тадқи-

вирация қилиш билан бевосита ва илмий асосда шугулланадиган кўмита ёки вазирилик даражасидаги алоҳида ташкилот барпо этиш зарур. Токи, у халқаро талаблар доирасида профессионал таъмирлаш ишларини олиб босин. Бажарган ишларининг увор-савоби учун ўзи жавоб берсин. Хозир бизда бу масалалар асосан Маданият вазириликка юклатилган. Жойлардаги ҳокимликлар ҳам четда қараб турмайди, албатта. Лекин, инсоф билан айтганда, мазкур вазириликнинг зиммасидаги вазибалар шусиз ҳам қоят қўпки,

обидалар реставрациясидек ўта нозик ва беҳад мураккаб, илм-лаб ишни бир бошқарма мутахассислари эгалиги осон эмас. Шу боис, ташкил этиладиган янги ташкилотнинг ҳар бир бўлимига меъморий мерос ва таъмирлаш ишларининг асл жонқуяр ва билимдон мутахассисларини жалб этиш зарур. Ана ўшандагина ёдгорликларимизнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш, туризмни ривожлантириш имкониятларимиз янада ошади.

Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш илмий тадқиқот лойиҳа институти фаолиятини тикланса, максадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Яқинда тикланган реставрация бўйича илмий-усулвий кенгаш фаолияти ва ваколатларини юксак малакали мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш эҳтиёжи йўқ эмас. ИКОМОСнинг Ўзбекистондаги миллий кўмитасини барпо этиш ҳам муҳим ишлардан. Бундай тадбирлар истиқболда хатоларнинг олдини олиш, реставрация сифатини ошириш, ёдгорликлар баъдий савияси ва тарихий аҳамиятини сақлаб қолишда ишлатиладиган қурилиш ва пардозлаш материалларини сифатли тайёрлаш, таъмирлаш ишларининг илмий асослари, технология ва услубларнинг тўғри қўллаш устидан назорат ўрнатилса қўл келган бўлур эди.

Меъморий меросни асраш, таъмирлаш ва бошқариш (менеджмент) бўйича мутахассислар — архитекторлар, конструкторлар, безакчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бугунги кунда қанчалик муҳим бўлса, эртага аҳамияти янада ошади. Ривожланган давлатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам меъморий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар тайёрлайдиган махсус олий ўқув юртини очиш бунда анча ёрдам берарди. Масалан, меъморий ёдгорликларни ва қадимий шаҳарларни бизникидан “ёшироқ” Россия ва Германияда реставрация санъати институтлари фаолияти йўлга қўйилган. Хозирча эса коллежларда уста-қадрларни тайёрлашга кириштириш лозим. Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳамда Қамолддин Бехзод номидagi миллий рассомчилик ва дизайн институтида ёдгорликларни таъмирлаш, консервациялаш ва менежменти бўйича кафедралар очилиши ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади, деб умид қиламан. Маҳорат сабоқларида реставратор-усталар анъанавий халқ усталари тажрибасини ўзлаштирса, халқаро даражада кадрлар тайёрлашга киришилса, булар ҳам ўзининг юксак самараларини беришига аминман. Кадрлар тайёрлашда халқаро тажрибани ўрганиш ва қўллашни янада кенгайтириш даври келди. Ўзбекистонда бундай тажриба бошланган эди. Жумладан, меъморий ёдгорликлар реставрацияси ва менежменти бўйича Volkswagen концернининг йирик гранти кўмагида Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, сақлаш ва менежменти бўйича Ўзбекистон — Германия маркаси 2013-2015 йилларда фаолият кўрсатган. 2015 йилда 12 нафар Ўзбекистонлик магистрант Германиянинг Потсдам реставрация институтига битирган эди. Бу тажриба Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда давом эттирилса, албатта, янада яхши самара беради. Умид қиламанки, Европа даражасида тайёрланган, лекин ўз мутахассислиги бўйича ханузгача иш топа олмаётган 12 нафар магистрантнинг юртида таъмирлаш ишларига жалб этилиши ҳам ана шундай хайрли ишлардан бўлади. Зеро, «Чумчуқ сўйса ҳам қасос сўйсин» деган нақл бежиз пайдо бўлмаган.

Яна бир бор таъкидлагим келадик, ёдгорликлар ва тарихий шаҳарсозликнинг реставрацияси жуда мураккаб ва нозик жараён. У халқаро қабул қилинган илмий услублар ва меъёрлар асосида кўп йиллар давомида эгаланган профессионал билим, амалий тажриба, ҳар бир иншоотга нисбатан индивидуал ва чуқур ёндашув асосида амалга оширилиши лозим.

Абдураҳим АЗИМОВ
суҳбатлашди.

котларни ўтказмасдан, илмий асосга эга бўлмасдан, мутахассислар ҳулосасини олмасдан лойиҳа тайёрлайди. Холбуки, меъморий меросни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва ундан фойдаланиш, биринчи навбатда давлатнинг вазифаси ва ҳуқуқидир!

Реставрация — неча асрлардан буён зилзилаларга, совуқ ва жазирама иқлимнинг бошқа инжикликларига дош бериб келаётган қадимий обидаларнинг тузилиши ва меъморий-баъдий қиёфасини дастлабки кўринишида ёки шунга яқин ҳолатда илмий асосланган ҳолда таъмирлаш, сақлаб қолиш санъатидир. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир ёдгорлик ноёб ва алоҳида, индивидуал ёндашуви талаб этади. Бунда ҳар бир бино ва иншоотни қай даражада таъмирлаш ва консервациялаш, қандай услубни қўллаш каби ўта нозик ва илм-лаб масалалар олимлар ва мутахассислар билан келишилган ҳолда танланади. Шу билан бирга реставрация — махсус билим, юксак малака ва катта тажриба талаб этадиган машаққатли юмуш. Таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқувчи мутахассислар дипломли архитектор ёки конструкторликдан ташқари, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш борасида қўшимча ихтисосга эга бўлишлари шарт. Қурувчи усталар шунчаки бинокор ёки безакчи эмас, балки ўрта асрлардаги қурилиш материалларига муқобил анъанавий ашёларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳадисини олган бўлишлари лозим. Реставрация ишида стандартлар бўлмайдиган ҳисоб. Ҳар бир ёдгорликка унинг конструктив ва меъморий-баъдий жихатларидан келиб чиқиб, индивидуал ёндашув талаб этилади. Булар эса қурилиш тури, вақти, жойи ва ҳудуди, иншоот конструкциясининг ўзига хослиги ва жорий ҳолати билан жуда-жуда боғлиқ.

— Суҳбатимиз кўпроқ соҳадаги муаммолар ҳусусида бўлаяпти. Лекин биламизки, дунёда ечимсиз муаммонинг ўзи йўқ. Қадимги ёдгорликларимизни келгуси авлодларга бекаму-қўст, эсон-омон етказиш учун нима қилишимиз зарур?

— Мамлакатимизда таъмирлаш ишини янада такомиллаштириш ва замон талаблари даражасида йўлга қўйиш учун, аввало, мутахассислар билан ҳамжиҳатликда профессионал реставрацияни амалга оширишнинг давлат дастурини ҳамда шаҳарлар тарихий қисmini тиклаш ва муҳофаза этишнинг изчил концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Меъморий обидаларни асраш ва таъмирлаш билан шугулланадиган идораларни тубдан янгилаш ва ишнинг такомиллаштириш зарур. Аниқроғи, кўплаб ривожланган мамлакатларда (Масалан, Германия, Япония) бўлганидек, бундай ўта маъсулиятли иш — қадимий обидаларимизни асраб-авайлаб сақлаш, таъмирлаш ва рестав-

► Комил инсонни излаб

Ҳаммамиз ҳаётимиз давомида комил инсонни излаб яшаймиз. Комилликка интиламиз. Инсоний камолотнинг энг баланд мақоми шунда, деб билишимиз. Айниқса, мустақиллик йилларида комиллик орзуси ҳар бир қалбга гўзал туйғуларни олиб кирди. Газетамизда “Комил инсонни излаб” номли янги рубрика ташкил этишдан мақсад ҳам юксак маърифат эгаларининг бу ҳақидаги фикри ва мулоҳазаларини бериб боришдир. Сиз ҳам ўзингиз комил деб билган ёки бунга эришиш йўллари борасидаги ўйларингиз билан қатнашингиз мумкин.

Шундай рассомлар борки, чизишни кундалик юмушига айлантириб олган. Истаган нарсанингизни ўша заҳотиёқ котириб ташлайди. Мавзунинг аҳамияти йўқ. Хохласангиз — тоғдан, истасангиз — ботдан. Портретми, табиат манзараларини, графиками, деворий суратми, рангбўёқ... Фарқи йўқ. Пулни тўласангиз бас! Ўз ишининг қосиблари. Уларнинг манглайига ижодкор қисмати ёзилмаган.

Бу қисмат шундай машаққатлики, жозибали энг сўқмоқдан айлиниб ўтишнинг илоҳи йўқ. У инсондан фойдалилик талаб қилади, умрини беҳуда елга совуришига йўл қўймайди. Ўзар ҳақиқатлари ҳамма вақт, ҳар қандай жойда, ҳар қандай даврда ҳам ўзгармайди.

Гулнора Раҳмон ана шундай тўғма мусаввирлар сирасидан. Чизиш у учун хордик чиқариш усули эмас. Қисмат билан юзма-юз қолиш, сўз билан ифодалаш қийин, нозик ва мўтабар туйғуларни ранглардан англаб, ўзини ифода этишдир. Унинг ҳар бир картинаси иложсизликдан тўғилгандай. Шунчаки тасвир ёки кўргазмалар учун эмас, ўйлари, кечмишлар, ҳаётини фалсафаси ва англамаларидир.

“Яссавий” композициясини тасаввуф оламидан кўз илғамас тасвирлари, янгиланишлари енгил-елпи, ўткинчи ҳою ҳаваслардан воз кечиш, кўнгил меҳробига бош қўйган инсоннинг овоз руҳи дейиш мумкин. Яссавий дунёнинг ишларини ўткинчи деб билган. Ўзлағча чекинишининг боиси ҳам шунда. Шу йўл билан таъмағирлик, такаббурлик, ҳасадгўйлик, фиска-фужур, Инсон номини ерга урадиган бошқа қусурлардан ҳазар қилган ва улардан ўзини тиймоққа уринган.

— “Яссавий” композициясини ишлаётганимда, ним соя ва ним ёруғ ранглардан фойдаландим. Ҳазрат Гира-шира ёруғликда гайб бовларида, илоҳ шуълалари юзиде балқиб турган сўфий тимсолида гавдаланади, — дейди Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Гулнора Раҳмон. — Санъат асарларимизда кўп ҳолларда авлиёлар ақал қийган, салла ўраган, соч-соқоллари кўксига тушган ёки чиллада ўтирган чол киёфасида тасвирланган. Мен Яссавийни ҳаёлимда аввалдан пиштириб юрган Буюк доғишманд киёфасида ишлашга ҳаракат қилдим. Санъат сирлиги билан жозибали. Миллийлик янада нозиклашди. Мавзулар кўлами кенгайди. Яссавий сиймосида Шарқнинг маънавий олами, тафаккурини очиб беришга ҳаракат қилдим.

Шарқнинг маънавий олами — Комилликка эришмоқдир. Бунинг учун шафх Нурий “нафс лаззатларидан воз кечмоқ керак” деса, шоир Бобо Тохир “нафсоний — ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда ишамоқ” эканини айтади. Муҳаммад Ғазолий ҳазратлари: “Инсон вужудининг бу дунёда уч нимадан зиёда ҳолати йўқдир: емак, қиймак ва макон. Емак қувват ҳосил қилиш учун, қиймак авротни ёлмоқ учун ва макон иссиқ-совуқдан паноҳ топишмоқ учундир. Бас, одамий дунёдан бундан зиёда зарур эрмасдир”, дейдилар. Яссавий бобомиз инсоннинг яшаш учун етарли бўлган шу неъматларга қаноат қилгани учун ҳам комиллик даражасига етган инсонлардандир. Сўфийлар тили ва дили бир бўлмаган одамлардан қочадилар. Халқ олдида ҳам, Ҳақ олдида ҳам юзи ёруғ бўлишни истайдилар. Яссавий фақат ўтмишнинг кенг тафаккур эгаси, доғишманд алломаси эмас, ноҳақликларни кўриб бефарқ тура олмайдиган, ўзининг маърифати, одамийлиги, ҳалоллиги ва поклиги билан одамлар қалбиданги имонни сақлаб қолишга уринган бугунги маърифатли зиёдаларнинг ҳам ёркин тимсолидир. Шу жиҳатдан Гулнора Раҳмоннинг “Яссавий” композицияси томошабинни ҳаяжонга солади. Ақл, ҳис-туйғу ва тасаввуф оламини кенгайтиради.

Рассомнинг устaxonасига борганимда, деворларига дид билан осиб қўйилган кўплаб санъат асарларига кўзим тушди. Бетақдор табиат манзаралари, замондошларимизнинг бир-бирдан ёркин портретлари ва тарихий мавзуларда ишланган композицияларини томоша қилиб

тўймайсиз. Эҳтимол, бу картиналар ортидаги заҳматлар томошабинга сезилмас, лекин рассом уларда ўз даврининг эврилишлари, ўзгаришлари, тўғишларини тасвирлаган. Қанчадан-қанча китобларни титқилаб, сеvimли қаҳрамонларнинг киёфаларини гойибан кўз олдида келтирган. Қалбига ижод завқини солган манзараларни рангларда ифодалаш учун саратоннинг жазиралари, қаҳрамоннинг аёзли кунларида табиат қўйида асарлар ишлаганини тасаввуф қилиш қийин эмас.

Яхши асар ҳар қунни ҳам тўғилавермайди. Ҳар қандай мусаввирнинг ижодида ҳамманинг кўнгил мулкига айлانган уч-тўртта шох асари бўлади. Ўшалар уни элга танитади. Йиллар ўтган сари гўё мўъжизага айланадики, уни кўз билан, қўл билан чизилганга ишонингиз келмайди. Мангуликка дахлдор роялари эскирмайди, билъакс янгиланиб, оҳорларни бораверади. Шу маънода, Гулнора Раҳмоннинг ўз даврига сиймасдан “Иб-

соясиде от миниб кетаётган кишига ўхшайман. Тезда ўтиб кетаман. Соя эса қолади”, деган сўзлари билан бошланади. Унда Машрабнинг ўзини унутиб, кўзларини юмиб олганча мусикага маҳлиё айтаётган ғазаллари, тоғлардаги шаршараларнинг гувилашлари, шабадаларнинг арчаларга, қояларга бош уриб, шивирлашлари ҳамроҳ бўлади. Машраб кўпроқ вақтини қанча одамлар келиб-кетган, шовқинлаган, тинган, тугилиб битган сирли тепаларда ўтказади. Машраб йўлларда харобазорларга дуч келганда, Худо одам боласига ер юзини жаннат қилиб яратган бўлса, бу мислсиз жаннатда харобазорлар қаердан пайдо бўлиб қолди, деб ўйлайди. Харобазорда одамзоднинг очкўзлиги, ваҳшийлиги, шафқатсизлиги мужассамлигини кўриб, “Эй, элдошларим, Худо дунёни маърифатхона қилиб, сизга бермадимиз? Ҳайвон каби еб-ичманглар, менинг маърифатхонамни жаннат қилиб ўтиринглар, демадимиз? Ер юзидеги жами-жами нарсаларни одам боласи учун маърифат қилиб яратмадимиз? Бу муборак сув, бу муборак ҳаво, бу муборак тупроқ ва бу муборак ўт — энг олий илм, энг олий маърифат эмасми?” деб қичираётгандай бўлади. Унинг теран овози харобалардан бошқа ҳеч кимнинг қалбини ларзага солмайди. Шунда Машраб яна уввос солади:

Хароб ичра турар бир хароб,
Танимас ул харобни бул хароб...
“Машраб” картинасида ҳам Машрабни

Бундай адолатсизлиқни бартараф этиш учун уларда бир доно бошлиққа эҳтиёж пайдо бўлади. Худхуд (попишак) Симурғ деган қуш борлигини айтиб, унга етиш гош мушкуллигини тўшунтиради. Қушларда Симурғга ҳавас уйғонади.



Ҳазрат Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Одамийнинг яхшироғи улдур-ким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзни айтурда бевағму бок бўлғай. Ўзи поку, кўзи покни инсон деса бўлур, тили арик (нозик) ва кўнгли арикни мусулмон деса бўлур”, дейдилар. Бу таъриф рассомнинг коллекциясини бойитиб турган қаҳрамонлари сингари дунёдан маърифат излаган, маърифатдан ўзини топган, маърифатга лойиқ бўлишга интилган инсонларга берилган юксак баҳодир.

Уни излашга аҳд қиладилар ва бу йўлда йўлбошчи бўлишни худхуддан сўрайдилар. Қушлар йўлга равона бўлиб, кўп ўтмай, толиқадилар, йўл машаққатидан алам чекиб, худхудга узроҳлик билдира бошлайдилар. Тўти гарчи қафасда бўлсам-да, гўзаллар қўлидан шакар-қанд еб, қаттиқчилик кўрмай яшаб келардим деса, товус ўзининг оламдаги энг гўзал қушлардан эканини айтади. Худхуд қушларнинг Симурғга қандай етиш мумкин деган саволига шундай жавоб беради:

рихий, балки замонавий мавзуларда ишлаган картиналарида ҳам кўриш мумкин. Ҳар бирида миллий колоритларимиз ранг-баранг бўёқларда нозик идрок билан берилган. Чунки бу нозиклик санъатимизга асрлар қаъридан етиб келган.

Бизда тасвирий санъат кеча пайдо бўлмаган. Улуғ аждодларимиздан улкан мерос қолган. Тарихий шахарларимиздаги обидалар ҳар бир жойининг иклими — иссиқ-совуғидан келиб чиқиб қурилган. Масалан, Бухоро минорларида кўёш урганда ранги ўзгармайдиган қизил, Самарқандникида эса мавий ишглрдан фойдаланилган. Хиванинг геометрик шакллари сирлари олдида, ҳатто қилни қирқ ёрган меъмору муҳандислар ҳам лол. Саройлар пештоқларидаги расмларни олинг. Айниқса, Шарқ миниатюрасининг ўзи неча минг йиллик тарихга эга. Самарқанд, Ташкент, Бухоро мактаблари яратилган ва бу мактабларнинг ҳар бири ўзига хос. Қаштачилик, наққошлик, миллий кийимларнинг тикилиш услублари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Буларнинг ҳаммаси миллий колоритларимиздир.

Ғарб реализми миллий санъатимизни янада бойитди.

Гулнора Раҳмон барча картиналарида фақат қовун-тарвуз кўтариб турган ёки бахтиёр ёшларнинг қўл ушлашиб кетаётган ҳолатини эмас, сўз билан ифодалаш қийин туйғуларини рангларда беришга ҳаракат қилади. Ростдан, ўзбек йигитларининг гурури банд, қизлари ҳаёли, тортинчоқ. Ички туйғуларини очик-ойдин изҳор қилишга ийманади. Бу рассом асарларидаги қаҳрамонларнинг нигоҳлари, қарашлари, кийимларидан сезилиб туради. Асарларида қурок кўрпа-кўрпачалар, дастурхонлар, тандир-ўчоқлар, ўтовлар ва гиламлар билан чегараланиб қолмасдан, тасбеҳлар, туморлар ва гумбазларнинг ўзига хос рангларини ҳам беришга ҳаракат қилади.

— Бугун тасвирий санъатда миллий қадриятларимиз мавзусига эътибор қучайгани бежиз эмас, — дейди Гулнора опа. — Қизларнинг дўшиси, атлас қўйлаг, жамалаги билан бирга, ҳаёсини ҳам очиб бериш бунда жуда муҳим. Чунки ички кечинмалар, фалсафий мушоҳадаларга бой картиналар одамларга кайфият улаштиришдан ташқари янги гоғлар, кўнглида эзгу туйғулар уйғотади. Масалан, иккинчи жаҳон уруши йилларида кейин яратилган картиналарда қуюқ ранглар устуворлик қилади. Жанг майдонлари, ундаги қурбонлар, фарзанд доғида қуйган оналарнинг фарёдларини енгил рангларда ифодалаб бўлмасди. 70-80 йилларга келиб, ранглар анча тозарган, енгиллашган. Яъни, пахта далалари, шолзорлар, теримчилар ва ҳоказолар ёркин бўёқларда ишланган. Бизнинг давримизда тасвирий санъат асарлари янада ойдинлашди. Бугунги томошабиннинг ядиде жуда банд. Унга ёқадиган асар яратиш осон эмас. Зиёлилар орасида санъат фақат “хос”лар учун деган тушунчалар айлиниб юради. Лекин тасвирий санъат барча учун. Халқ учун. У хонадонларга китоб безаклари, кино, театр санъати орқали кириб боради. Фақат етук асарлар тарғиботи тўғри йўлга қўйилса, томошабинларда санъат галереяларига боришга иштиёқ пайдо бўлади.

Ҳа, бугун тасвирий санъатимиз янги ижодий жараёни бошдан кечираётир. Энди одамларга қовун-тарвуз сотиб турган чол ёки ҳўтик минган болақай расмининг “мана шу ўзбек” деб қўрсатишининг даври ўтди. Расм ва томошабин ўртасида воситачига эҳтиёж қолмади ҳисоб. Чунки замондошларимиз тасвирий санъат асарлариде ўзини, ўзлгини кўришни истайди. Пинхоний туйғуларини англашга интилади.

Бу ишқ йўлидир, бинобарин, бу йўлда жондан кечишга тайёр турмоқ вожибдир.


Гулнора Раҳмон етти картинадан иборат “Қуш тили” асарида ана шу ишқнинг рамзий тасвирларини рангларда ифодалашга ҳаракат қилган. Шу орқали ишқ сирини ва даражаларини беришга интилган.

— Ҳазрат Навоийнинг сиймоси расмлар, ҳайкаллар орқали ҳаммага таниш. Менга кўпроқ Навоийнинг сўнгги достони “Лисонут-тайр”даги бадий мажозлар ёқди, — дейди рассом. — Унда қушлар ишқ, маърифат, тамсил, истиқно, ҳайрат, тавҳид ва факру фано водийларидан учиб ўтади. Ҳар бир картинада қушларнинг машаққат шиддатидан баъзиларининг сафарига путур етганини очишга ҳаракат қилдим. Навоий бу буюк асарида қушлар орқали инсоннинг руҳий кечинмалари, ҳурликка эришиш йўллари ва бу йўлдаги изтиробларини юксак бадий тимсоллар ёрдамида ифодалган. “Қуш тили” картиналаримда ҳам қушлар — инсонлар, уларни ҳақиқат сари босиб ўтган машаққатли йўли ва бу йўлдаги орзу-умидларини ифодалашга уриндим.

Навоийнинг “Лисонут-тайр” асарида: *Ким қўлиб Симурғ ўтмуз қуш ҳавас, Ўзларин кўрдилар ул Симурғ бас, —* каби сатрлар бор. Бир пайтлар ўзим ҳам шу асардан тасвирланиб “Балки сўзлашаримиз қушлар тилида” деб ёзган эканман. Гулнора Раҳмон ҳам ўз картиналарини шундай ҳавас билан ишлаган. Қушлар умидсизликка тушиб турганларида, худхуднинг тўғри йўл кўрсатгани туфайли олий, бақога етгани ишонарли тарзда очиб берилган.

Илгари тасвирий санъат асарларида ғарб оламига, санъатига интилиш қучли эди. Кўпчилик рассомлар бутун истеъдоди ва меҳнатини шу томайилларни юзага чиқаришга сарфлаган. Бугун шарқ ривоят ва афсоналари, шарқона фалсафани, миллийликни ифодалаш асосий воситалардан бирига айланиб бормоқдаки, буни Гулнора Раҳмоннинг нафақат та-

“Балки сўзлашаримиз қушлар тилида”



“Қуш тили”
Рассом Гулнора Раҳмон

роҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай” деб Оламини ва Одамни қусурлардан овоз кўрмоқни орзу қилиб ўтган буюк шоир ҳақидаги “Машраб” асарини ҳам номи қайд этилган туркумнинг давоми дейиш мумкин. Шоир картинада ўз даврининг етук ижодкори, бўйи-баста келишган, афсонавий ошқ тимсолида тасвирланган. Тўғри, Машраб шахсияти ва ижоди ҳақида ҳар хил афсоналар юради. У мастлар орасида хушёр — хушёрлар орасида маст бўлган. Яссавий ҳазратларига ўхшаб, нафсининг рорига тушиб, машаққатдан бошқа нарс билан иши бўлмай қўйган лоқайд инсонларнинг қалбини ўткир сўзлар билан уйғотмоқчи бўлган. Комилликка интилган.

Ҳазрат Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзни айтурда бевағму бок бўлғай. Ўзи поку, кўзи покни инсон деса бўлур, тили арик (нозик) ва кўнгли арикни мусулмон деса бўлур”, дейдилар. Бу таъриф рассомнинг коллекциясини бойитиб турган қаҳрамонлари сингари дунёдан маърифат излаган, маърифатдан ўзини топган, маърифатга лойиқ бўлишга интилган инсонларга берилган юксак баҳодир.

— Таниқли адабиётшунос Иброҳим Фафуровнинг “Дил эркинлиги” ҳикоясини ўқиб, Машраб ҳаётига қизиқиб қолдим, — деб сўзини давом эттиради Гулнора опа. — Асар Муҳаммад алайх-иссаломнинг “Мен бу дунёда даракх

қисмат юлдузи саодатли шуълаларга йўғрилган, кўнгли Ҳақ ва Ҳақиқат жамолни кўришга иштиёқманд, юраги ишқка тўла ошқ тимсолида ишлашга ҳаракат қилдим. Асарда “Қапалаклар ҳақиқий ошқлар. Улар фақат гулга ва ўтга ошқ бўладилар. Қапалаклар ўтти ҳам гул деб биладилар”, деган сатрлар бор. “Машраб” асарида қўл урганимда, ана шундай бадий тасвирлар менга илҳом берди.

Гулнора Раҳмоннинг “Машраб” картинасида боқиб, ўзимча ўйладим: агар тасвирий санъат бўлмаганда, бугун буюк аждодларимизнинг ёркин сиймоси, тафаккури ва туйғуларини бу қадар теран ҳис қила олармидик? Ўқиган китобларимиздаги тасаввурлардан ташқари чика олармидик? Назаримда, рассом улуг сиймоларнинг суратлари орқали энг аввало, сийратларини очишга уринади. Асарларнинг гўзаллиги, латофати ва аҳамияти ҳам шунда.

Мусаввира Навоийнинг “Лисонут-тайр” (Қуш тили) асаридан тасвирланиб, етти бўлимдан иборат “Қуш тили” картинасини ишлашга бел болаган. Шоир яшаган даврда Камолддин Беҳзод ҳам Навоий лирикаси ва “Ҳамса” сига бетақдор суратлар ишлаган. “Лисонут-тайр” да ёрайиб бир бадий топила бор. Унда ўттиз қуш бир гулистонда мажлис қурмоқ ниятида йиғиладилар. Лекин ҳар бир қуш ўзига муносиб ўрин ололмагани туфайли можаро қўтаради.